


ЎЗБЕКИСТОН



ҲАФТА ИЧИДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Кенгаш Сенатнинг учинчи ялпи мажлисини шу йилнинг 6 август куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди. Мажлис кун тартибига мамлакат сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларига тааллуқли масалалар, жумладан, «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги, «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини ратификация қилиш ҳақидаги қатор қонун лойиҳалари муҳокамаси киритилмоқда.

* * *

● Мамлакатимизга ташриф буюрган Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Петер Буриан раҳбарлигидаги делегация аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатида, вазирлик ва идораларда, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида учрашувлар ўтказди.

* * *

● Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманида «Остонадан бошланар Ватан!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги муносабати билан ташкил этилган мазкур тадбирда ташаббускор, фаол йигит-қизлар қатнашди.

Фестиваль доирасида таниқли ёзувчи ва шоирлар, театр ҳамда кино актёрларидан иборат тарғибот гуруҳи аъзолари билан давра суҳбати, учрашувлар бўлиб ўтди. Тадбир давомида шахмат, теннис бўйича спорт мусобақалари уюштирилди. Иштирокчилар фольклор дасталари, шунингдек, ижрочи ёшларнинг мусиқий чиқишларидан баҳраманд бўлишди.

* * *

● Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасида 2015 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди, галдаги вазифалар белгилаб олинди. Йиғилишда таъкидландики, жамғарма томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида 1482 тадбиркорлик субъектига махсулот ва хизматларни экспорт қилишда ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий хизматлар кўрсатилди. Амалга оширилган ишлар натижасида тадбиркорлик субъектлари томонидан умумий қиймати 512 миллион АҚШ долларига тенг махсулот ва хизматлар экспорт қилинди.

* * *

● Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида дори воситаларини хорижга олиб чиқиш ва четдан юртимизга олиб кириш, клиник синовларни ва фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини такомиллаштириш, кам фойдаланиладиган дори воситаларидан фойдаланиш жараёнини ҳуқуқий тартибга солиш ва бошқа кўплаб долзарб масалалар юзасидан фикр билдирилди.

ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

Гиёҳвандлик – умр заволи

ИЛЛАТДАН ОГОҲ БЎЛАЙЛИК



Иллатлар орасида инсон саломатлиги учун ҳам, жамият учун ҳам энг хавфлиси гиёҳвандликдир. Миллионлаб инсонларнинг умрига зомин бўлаётган оғуға қарши бутун дунё миқёсида курашилмоқда. Жумладан, мамлакатимиз аҳолисини ҳам мазкур хавфдан огоҳ этиш, ундан, айниқса, ёшларни муҳофаза қилиш йўлида мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказилляпти.

Яқинда ана шундай тадбирлардан бири ИИБ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида бўлиб ўтди. «Гиёҳвандликка қарши кураш — долзарб вазифа» мавзусига бағишланган ушбу илмий-амалий конференцияда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази,

Давлат божхона қўмитаси, Тошкент ҳарбий округи ҳарбий прокуратураси, ИИБ ЖҚ ва ТҚКББ Наркотрафик ва гиёҳвандлик моддаларининг қонунга хилоф равишда муомаласига қарши курашиш бошқармаси, ИИБ Тиббиёт бошқармаси, Тошкент шаҳар наркология диспансери, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Зангиота туман кенгаши вакиллари, би-

лим юрти раҳбарияти, шахсий таркиби ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда Тошкент ҳарбий округи ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси, адлия подполковниги Б. Жалолходжаев сўзга чиқиб, гиёҳвандликнинг аянчли оқибатлари ҳақида гапирди. У бугунги кунда бу иллат бутун дунё муаммосига айланганини

таъкидлаб, унга қарши курашиш борасида юртимизда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берди.

Шундан сўнг сўзга чиққанлар «Гиёҳвандликка қарши курашиш ва наркожиноятларнинг олдини олиш», «Гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ вазият ва кўрилган чора-тадбирлар» каби мавзуларда маърузалар қилиб, мазкур иллат аянчли ҳолатларга олиб келишига ҳаётий мисоллар келтиришди. Шунингдек, гиёҳвандликнинг келиб чиқиш сабаблари ва уни даволаш усуллари, мамлакатимиз ёшларини мазкур иллатдан сақлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ва тарғибот ишлари хусусида тушунтиришлар берилди.

Тадбир сўнггида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олдилар.

Иномжон РАХИМХҲАЕВ,
сержант,
Шавкат ҚАҲҲОРОВ
олган сурат.

Хабар

БИТИРУВ ТАНТАНАСИ

Республика ИИБ ШТБИХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Самарқанд шаҳар марказида навбатдаги битирув тантанаси бўлиб ўтди.



Марказда ички ишлар идораларининг ёнғин хавфсизлиги хизмати йўналиши бўйича таҳсил олган сержантлар таркибининг назарий билимларини янада мустақамлаш ва амалиёт билан узвий боғлаш ҳамда машғулотлар самарадорлигини ошириш мақсадида бир қатор иш-

лар амалга оширилди. Жумладан, улар Самарқанд шаҳрида жойлашган «Мароқанднефть» базаси, «Улугбек тола» масъулияти чекланган жамияти, «Газ тўлдириш станцияси» сингари кўплаб корхона ҳамда ташкилотларда амалий машғулотлар ўтказишди. Шунингдек, вилоят ИИБ

соҳавий хизматларида амалиёт ходимлари иштирокида долзарб мавзуларда ўқув-семинар машғулоти ташкил этилди.

Битирув тантанасини марказ бошлиғи, полковник Қ. Эргашев очиб, ўқув йиғини мобайнида тингловчиларнинг касбий маҳоратини ошириш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққанлар эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида хизмат қилиш шарафли эканини эътироф этиб, тингловчиларнинг келгуси фаолиятига муваффақиятлар тилади.

Тадбир якунида ўқув йиғини давомида ўзининг итилувчанлиги ва тиришқоқлиги билан сафдошларига ўрнатилган бир қатор кичик сержантлар марказнинг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

М. БАҲРИЕВ,
подполковник.

«Ғамхўрлик – 2015»

«ШАББОДА» БАҒРИДА БИР КҮН

«Қизилқумцемент» акциядорлик компаниясига қарашли Навоий вилоятининг Навбахор туманида жойлашган «Шаббода» оромгоҳи айна пайтда болажонларнинг севимли масканига айланган. Уларнинг бу ерда ёзги дам олиш мавсумини кўнгилли ўтказишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Сўлим ва хушманзара, соя-салқин оромгоҳ ҳовлисида фавворалар, чўмилиш ҳавзалари, спорт майдончалари ташкил этилган.

– Айна кунда бу ерда 300 нафардан ортиқ ўғил-қиз хордиқ чиқармоқда, – дейди оромгоҳ раҳбари Элвира Эшмакова. – Уларнинг ҳар бир кунни мазмунли ўтказишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Дарҳақиқат, кутубхона, турли қизиқарли тўғараклар, тоза ва шинам ётоқхоналар тарбияланувчиларнинг мароқли дам олишларига хизмат қилмоқда. Болалар ҳар куни уч маҳал иссиқ овқатдан ташқари, мева ва полиз махсулотларидан истеъмол қилишади.

Оромгоҳ бағрида ўғил-қизларнинг таътилни кўнгилли ўтказишларини таъминлаш, бу даврда болалар билан боғлиқ турли нохуш ҳодисалар содир бўлишининг олдини олиш мақсадида ички ишлар идоралари ходимлари томонидан профилактик тадбирлар ташкил этилган. Яқинда вилоят ИИБ ЁХБ ходимлари оромгоҳда бўлиб, тарбияланувчилар билан мулоқот ўтказишди. Учрашувда ёнғин хавфсизлиги қоидалари юзасидан қизиқарли савол-жавоблар бўлиб, озгина эътиборсиз-

лик ва лоқайдлик аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлиги батафсил тушунтирилди. Албатта, бу каби тадбирлар болаларнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига доир билим ва кўникмаларини ошириш билан бирга, уларнинг хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

– Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билиш ва унга амал қилиш ҳар биримиз учун муҳим аҳамиятга эга, – дейди оромгоҳда дам олаётган Умиджон Воҳидов. – Учрашувда бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан фойдаланиш тартиб-қоидалари амалда намоён этилгани ҳамда махсус ёнғин ўчириш автомобили билан яқиндан танишуви билан, айниқса, қизиқиб уйғотди.

Ёзнинг жазирама кунларида баҳаво, тоза-озода «Шаббода» бағрида болаларнинг ҳар бир куни маз-

мунли, қувонч ва бахтиёр лаҳзаларга, бетакрор таассуротларга бой бўлмоқда. Бу ерда қад ростлаган бир-бирдан ажойиб, тарихий шаҳарлар тимсолини кўриб, беихтиёр кўҳна, қадимий шаҳарларимиз, меъморий обидалари билан тилга тушган бетакрор ва азим Бухоро ҳамда Самарқандда юргандек тасаввур уйғонади кишида. Болаларнинг маънавий оламини бойитиш, дунёқарашларини кенгайтиришда бу каби бунёдкорлик ишлари муҳим ўрин тутади. Гуруҳлараро ўтказилаётган спорт мусобақалари эса уларнинг жисмоний жиҳатдан бақувват ва эпчил бўлишларига хизмат қилса, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билишлари ва унга тўла амал қилишлари ҳаётий заруратдир.

Азиз ТАНИЕВ,
сержант.
Навоий вилояти.

Семинар

АСОСИЙ МАҚСАД – ЖАНГОВАР САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШ

ИИБ ҳузуридаги республика «Кўриқлаш» бирлашмаси алоҳида милиция батальонида кўриқланаётган объектларнинг хавфсизлигини таъминлаш, мудофасини кучайтириш ҳамда уларда юз бериши мумкин бўлган террорчилик ва кўпуровчилик ҳаракатларининг олдини олишда шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлигини ошириш масалаларига бағишланган ўқув-семинар ташкил этилди. Батальон командири вазифасини бажарувчи, подполковник А. Мавлонов олиб борган семинарда батальоннинг барча офицер ва сержантлар таркиби иштирок этди.



Ҳозирги пайтда батальон ходимлари томонидан кўплаб давлат муассасалари ва ташкилотлар бинолари ишончли кўриқлаб

келинмоқда. Семинарда мазкур объектларни кўриқлаётган ходимларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш, фавқулодда вази-



ятларда, террорчилик ва кўпуровчилик ҳаракатлари юз берганда биринчи навбатда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги тўғрисида фикр билдирилди. Хусусан, отряд командирлари объектларнинг кўриқланиши юзасидан йиғилганларга маълумот бериб, фавқулодда вазиятларда ходимларнинг тўғри ҳаракатланиши борасида тўхталдилар.

Таъкидлаш лозимки, батальон шахсий таркибининг жанговар тайёргарлигини кучайтириш, ҳар қандай

фавқулодда вазиятга шайлигини ошириш мақсадида мунтазам равишда ўқув машғулоти ўтказиб келинмоқда. Бундан кўзланган мақсад битта: ёвуз ниятли кимсаларнинг кўриқланаётган муҳим объектларга зарар етказишига йўл қўймаслик. Мабодо шундай вазиятлар юзага келганда ходимларнинг сергакликни йўқотмай, жанговар шайлигини намоён қилишига эришишдир.

Ўз мухбиримиз.
Абу КЕНЖАЕВ
олган суратлар.

ХИЗМАТ САМАРАДОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Хоразм вилояти ИИБ Тергов бошқармасида «Фирибгарлик ва баданга қасддан шикаст етказиш билан боғлиқ бўлган жиноятларни тергов қилиш ва суд амалиёти» мавзусида ўқув-семинар машғулоти бўлиб ўтди.

Тадбирни вилоят ИИБ Тергов бошқармаси бошлиғи, подполковник О. Шодиев очиб, терговчиларнинг касбий маҳоратини ошириш, иш юритувидаги жиноят ишлари юзасидан аниқ ва одилона қарорлар қабул қилиш, соҳавий хизматга оид меъёрий ҳужжатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунларини, ҳукумат қарорларини чуқур ўрганиш ҳамда хизматни шу асосда ташкил этиш бўйича маъруза қилди.

Семинарда жиноят ишлари бўйича вилоят судининг судьялари Б. Полвонов ҳамда Ш. Раззоқов сўзга чиқиб, фирибгарлик, баданга қасддан шикаст етказиш билан боғлиқ бўлган жиноятларни тергов қилиш ва суд амалиёти жараёнлари ҳамда бу борада учраётган баъзи муаммолар, шунингдек, уларни бартараф этиш йўллари ҳақида йиғилганларга етарли маълумот беришди. Ўқув машғулотида амалдаги қонунчиликка киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан чиқарилаётган янги нор-

матив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича ҳам ўзаро фикр алмашилди.

– Ходимларимизнинг касбий тайёргарлиги, билим ва маҳоратини оширишда, содир этилган жиноятларни тергов қилиш услубларини чуқур ўрганишда, воқеа жойларини синчковлик билан кўздан кечириш жараёнларини пухта эгаллашда бундай ўқув-семинар машғулотларининг аҳамияти каттадир, – дейди вилоят ИИБ Тергов бошқармаси бошлигининг ўринбосари, полковник Р. Қўчқоров. – Шу боис белгиланган режа асосида ўтказилаётган бундай тадбирларимизга суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг энг тажрибали мутахассислари таклиф қилиниб, кун тартибига қўйилган масалалар атрофида муҳокама этилмоқда.

Семинар қатнашчилари машғулот давомида ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

Худойберган ЖАББОРОВ.
Хоразм вилояти.

Самарқанд вилояти ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлинмаси, вилоят прокуратураси, божхона хизмати, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси ҳамда маҳаллий оммавий ахборот вакиллари билан ҳамкорликда давра суҳбати ўтказилди.

ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Тадбирга йиғилганлар фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини демократлаштириш ва либераллаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш масаласини муҳокама қилдилар. Қолаверса, юртимизда олиб борилаётган ислохотларни фуқароларга тушунарли қилиб етказиш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш ҳам диққат марказида бўлди.

Ўзаро савол-жавоб, қизгин баҳс-мунозаралар билан ўтган ушбу давра суҳбати якунида иштирокчи ташкилотлар вакиллари ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга келишиб олдилар.

А. ИРГАШЕВ,
майор.

ДУНЁДАН



ДАРАКЛАР

ТАБИИЙ ОФАТ
ТУФАЙЛИ

Бир неча кундан буён Марказий Ҳиндистоннинг Мадхья-Прадеш штатида ёғадган ёмғир туфайли камидан 10 нафар одам ҳаётдан кўз юмди. Яна 12 киши бедарак йўқолган. Табиий офат юз берган туманларда яшовчи олти мингдан зиёдроқ аҳоли хавфсиз жойга кўчирилган. Штатнинг бир қанча округларида таълим муассасалари ёпиб қўйилди. Бошпанасиз қолган аҳоли вақтинча яшаб туриши учун маҳаллий ҳокимият вакиллари йигирмага яқин лагерь барпо этишди.

НОЁБ ЖАРРОҲЛИК
АМАЛИЁТИ

Буюк Британияда шифокорлар кўзида нуқсон бўлганлиги учун азият чекаётган беморга бионик кўзни кўчириб ўтказиш бўйича ноёб жарроҳлик амалиётини ўтказишди. Илк маротаба шундай усулда даволанган шахс британиялик 80 ёшли Рэй Флиндир. Жарроҳлик амалиёти тўрт соат давом этган. Ҳозирда қария ўзини яхши ҳис этмоқда, у шифокорлар назорати остида. Тиббиёт ходимларининг сўзларига қараганда, беморнинг кўзлари кўриши яхшиланиб бормоқда.

ЮҚОРИ ҲАРОРАТ
ТАЪСИРИДА

Японияда 14 киши иссиқ ҳаво таъсирида оламдан ўтди, олти мингдан ортиқ фуқаро эса шифохонага ётқизилди. Мамлакатнинг кўпгина ҳудудларида юқори ҳарорат узоқ вақт мобайнида сақланиб қолмоқда. Хусусан, Тагада шаҳрида бу борада ўзига хос рекорд қайд этилди. Бу ерда ҳаво ҳарорати 39 даражага етди. Жорий йилда ҳавонинг ҳаддан зиёд иссиқ туфайли Японияда жами 25 нафар инсон ҳаётдан кўз юмган, 14 минг киши эса касалхонага ётқизилган.

БАХТСИЗ ҲОДИСА

Мексиканинг Керетаро шаҳрида пайшанба куни йирик йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлди. Йўлда ўнчача автомобиль, шу жумладан учта юк машинаси ва иккита автобус тўқнашиб кетди. Дастлабки маълумотларга қараганда, уч нафар одам ҳаётдан кўз юмган, 12 нафари эса турли даражада тан жароҳати олган. Жароҳатланганларнинг барчаси шифохонага ётқизилган. Шифокорларнинг таъкидлашича, жабрланганларнинг уч нафари оғир аҳволда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари рўй берган ҳодисанинг сабабларини аниқламоқда.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Диққат: ўсмир!

НАЗОРАТ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Наманган вилоятида ички ишлар идоралари ходимлари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, маданият ва спорт ишлари, халқ таълими бошқармалари вакиллари билан ҳамкорликда болалар қаровсизлигининг олдини олиш бўйича тадбир ўтказишмоқда. Бундан кўзланган мақсад вояга етмаганлар ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг назоратсиз қолишига чек қўйишдир. Тадбир жараёнида хулқ-атвори оғир ўсмирларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки улар турли ёмон одатларга мойил бўлишади. Ҳатто, арзимас сабабларга кўра улар уйдан чиқиб кетиши мумкин.

Баъзан Наманган шаҳрига бошқа вилоятлар ҳамда туманлардан келиб, дайдиб юрган болалар ҳам учраятти. Улар вилоят ИИБ ҲООБ Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилипти. Яқинда шундайлардан уч нафари аниқланди. Кўча-кўйда бекор юрган 27 нафар бола назоратга олиниб, тартибга чақирилди. Тиланчилик қилиб, арава тортиб юрган вояга етмаганлар ҳамда уларнинг ота-оналарига нисбатан ҳам чора кўрилди. Бундан ташқари, 12 нафар ота-она фарзандларига тўғри тарбия бера олмаётганлиги ҳамда салбий таъсир кўрсатаётганликлари туфайли профилактик ҳисобга олинди.

Олтинбек БАЙБУЛАТОВ.

Мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллиги олдидан

ИСТИҚЛОЛНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИДАН

(Давоми.
Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ички ишлар идораларида бўлган туб ўзгаришларни бизнинг хизмат мисолида яққол кўриш мумкин. Биринчи навбатда кадрлар масаласига катта эътибор қаратилди. Илгари вазирликнинг эксперт-криминалистика хизмати бир кичик бўлим сифатида фаолият юритарди. Бу хизматга бўлган талаб гарчи ошиб борган бўлсада, уни кенгайтириш масаласи ҳал этилмай қолганди. Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ хизматнинг тузилиши ва штатлар масаласи қайта кўриб чиқилиб, малакали мутахассис кадрлар ҳисобига такомиллаштирилди.

Дарҳақиқат, эксперт-криминалистика бўлими ҳар жиҳатдан кенгайтирилиб, марказга айлантирилгач, унинг фаолиятида катта ўзгаришлар рўй берди. Марказда хизмат қиладиган ходимлар сони уч бараварга кўпайди. Ҳозирги кунда марказда тўртта бўлим ва битта бўлинма фаолият кўрсатяпти. Ходимларнинг барчаси етук малакага, тажрибага эга мутахассислардир. Шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Транспортдаги ИИБ эксперт-криминалистика бўлимлари малакали мутахассис кадрлар билан таъминланди.

Шу ўринда ходимларнинг малакасини ошириш, эксперт-криминалистиканинг сўнгги ютуқларидан хабардор қилиш мақсадида мунтазам равишда ўқув-семинарлар ташкил этилаётганини айтиб ўтиш жоиз. Ҳар йили 250-300 нафар ходим ИИБ Академияси ва Эксперт-криминалистика маркази базасида ўқув машғулотларида иштирок этмоқда. Иштирокчиларнинг малакасини ошириш билан бирга уларга турли экспертизаларни мустақил ўтқа-

зиш учун рухсатнома ҳам берилади. Бундан ташқари, эксперт-криминалистика хизмати ходимлари АҚШ, Германия, Франция, Италия, Хитой, Жанубий Корея, Венгрия сингари хорижий давлатларда бўлиб, малака ошириб келаётгани ҳам тизимнинг катта ютуқларидан биридир. Эксперт-криминалистиканинг илғор ютуқлари ўрганилиб, амалиётга жорий этилмоқда. Бунда Хитой, АҚШ ва германиялик мутахассислар билан қилинаётган ҳамкорлик, айниқса, яхши самара бермоқда.

Тизимни техника ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш ҳам ИИБ раҳбариятининг диққат марказида. Эксперт-криминалистика маркази ва вилоятлардаги турдош хизматлар энг зарур техника ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган кўчма криминалистика лабораториялари билан таъминланган. Бу содир этилган жиноят жойига зудлик билан етиб бориб, воқеа жойини пухта кўздан кечириш ва ашёвий далилларнинг тўлиқ олиниши ва тезда текшириш имкониятини яратмоқда.

– Жиноят содир этилган жойдан олинган бармоқ изларини текшириш, уларнинг кимга тегишли эканлигини аниқлаш бўйича олиб бориладиган ишлар, яъни дактилоскопик тадқиқотлар эксперт-криминалистика хизмати фаолиятида энг кўп ўтказиладиган текширув ва тадқиқотлар туридан биридир, – дейди ИИБ ЭКМ бошлиғи ўринбосари, подполковник Ҳамдам Назаров. – Муқаддам судланган ҳамда жиноят содир этишга мойил, ички ишлар идоралари ходимларида шубҳа уйғотган шахслар ва жиноят содир этишда гумон

қилинувчи фуқароларнинг қўл-бармоқ излари олиниб, марказлаштирилган автоматик тизимга тўпланиши жиноятларни аниқлаш ва фош этишда катта ўрин тутмоқда. Ҳозирги кунда марказимизда ва Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Транспорт ИИБ ЭКБларидаги автоматлаштирилган дактилоскопик идентификация тизимида юз минглаб шахсларнинг бармоқ излари сурати жамланган. Экспертлар томонидан дактилоскопик текширув орқали ҳар йили содир этилган икки ярим мингдан ортиқ жиноятлар бўйича гумон қилинувчи шахслар аниқланмоқда. Қолаверса, аксарият жиноятлар жойлардан олинаётган бармоқ из-



ларини солиштириш орқали ходимларимиз томонидан очилаётганини айтиб ўтиш ўринли. Шунинг учун ҳам дактилоскопик тадқиқотларни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларидаги туман ички ишлар идораларида ҳам эксперт-криминалистика хизмати ходими терговтезкор гуруҳи билан бирга жиноят содир этилган жойга етиб боради. Воқеа жойидан олинган энг кичик зарра ҳам жиноятнинг очили-



шида асқотиши, муҳим ашёвий далил бўлишини ҳисобга олиб, экспертларимиз ўта хушёрлик ва эҳтиёткорлик билан иш олиб борадилар.

Мустақиллик йилларида эксперт-криминалистика хизматида шахснинг юз ту-

нинг қачон, қаерда ишлаб чиқарилгани ва ундан қачон фойдаланилганини аниқлаб беришяпти. Энг муҳими, экспертлар республика миқёсида ўтказиладиган «Тозалаш-Антитеррор», «Арсенал» ва бошқа тезкор профилактик тадбирларда фаол қатнашиб, кўплаб жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг очилишига муносиб ҳисса қўшишмоқда.

– МДХ давлатлари Ички ишлар вазирликлари билан Ўзбекистон Республикаси ИИБ ўртасида жиноятчиларга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик қилиш юзасидан шартномалар тузилган, – дейди полковник Г. Ниқши. – Бутун дунёни ларзага солаётган гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши, одам савдоси, диний-экстремистик ва террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш ва унга қарши курашишда, бу жиноятларни содир этиб, тергов, суд идораларидан қочиб юрган шахсларни топишда бир-бирига кўмаклашиш йўлга қўйилган. Марказимизга МДХ давлатлари ички ишлар идоралари, прокуратуралари мурожаат қилиб, бармоқ излари, портретлар жўнатиш, шахсини аниқлашда ёрдам сўрашади. Ўз навбатида, биз ҳам ана шундай масалада кўмак сўраб ҳамкасбларимизга мурожаат қиламиз. Ҳеч иккиланмай, айрим оғир жиноятлар содир этган, хавфли рецидивист сифатида қидирувда бўлган шахсларни топишда МДХ давлатларидаги ҳуқуқ-тартибот идораларига ёрдамимиз тегапти, дея айта оламиз.

Истиқлол туфайли эксперт-криминалистика тизимида катта ўзгаришлар рўй бериб, давр талаби асосида изчил ривожланиб бормоқда. Энг қувончлиси, ИИБ Эксперт-криминалистика маркази фаолияти халқаро стандартларга жавоб бера оладиган даражага етганлиги эътироф этилиб, нуфузли халқаро сертификат берилди.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.
Суратларда: ИИБ Эксперт-криминалистика маркази фаолиятдан лавҳалар.

Абу КЕНЖАЕВ
олган суратлар.



Фахрийлар – фахримиз

Инсонни унинг бойлиги, дуру гавҳарлари эмас, одамларга қилган яхшиликлари, савоб ишлари, саховати улғулайди. Бундай хислатларга эга инсонлар ҳаётда ҳамisha иззат-хурматга сазовор бўлишади.

Шунинг учун ҳам эл орасида бундай одамларни саховатли, фазилатли одам деб, номи фахр-ифтихор билан тилга олишади. Фиждунонлик истеъфодаги подполковник Неъмат Жумаев ҳам ана шундайлардан бири, десак асло муболаға бўлмайди. Чунки у киши нафақага чиққан бўлса-да, ҳамон ички ишлар идоралари ходимлари билан бир сафда туриб, туман ИИБ фахрийлар кенгаши раиси вазифасида фаолият кўрсатиб келаяпти.

— «Дарахт бир жойда кўкаради», деганла-

БАРЧА ИШГА БОШ-ҚОШ

ридек устозимиз ҳам узоқ вақтдан буён биз билан бирга, — дейди туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Эргаш Ҳафизов. — У киши оддий милиционерликдан туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари лавозимига бўлган шарафли, аммо масъулиятли йўлни босиб ўтди. Узоқ йиллар тўплаган бой тажрибалари, малакалари, хизмат вазифасига бўлган муносабатлари ёш ходимларимиз учун ибрат мактаби бўлмоқда. Қолаверса, фахрийларимиз ҳам Неъмат акадан доимо миннатдор. Устоз билан биргаликда фахрийларимизнинг ҳолидан вақти-вақти билан хабар олиб туришдан ташқари, байрамларда совға-саломлар ҳам



улашиб келаяпмиз. Айниса, бетон бўлиб қолган фахрийларга вилоят ИИБ тиббиёт бўлимидан соғлиқларини тиклаш мақсадида санаторийларга йўлланма олишларига амалиёт ёрдам кўрсатилаяпти. Шу билан биргаликда фахрийлар-

нинг муаммоларини ечишга ҳам ёрдамлашяпмиз.

Ҳа, юрт тинчлиги, осойишталигини сақлаш фуқаролар хавфсизлигини таъминлашдек шарафли вазифани сидқидилдан адо этаётган инсонлар ҳеч қачон халқ эътиборидан

четда қолмайди. Уларнинг ҳамкасбларию шоғирдлари доимо йўқлаб туришади. Неъмат ака ана шундай савобли ишларга бош-қош бўлиб келаяпти. Бундан ташқари, осойишталик посбонларини ҳамisha меҳр-оқибатли бўлишга, одамларга ёрдам бе-


ришга даъват этиб келади. У инсонни нафақат тумандаги, балки вилоятдаги кўплаб осойишталик посбонлари ҳам хурмат билан устоз, дея фахрланиб тилга олади. Зеро, машаққатли хизматда, мураккаб ва мушкул вазиятда тўғри маслаҳат берган, йўл-йўрик кўрсатиб тарбия қилган инсоннинг йиллар ўтган сайин қадрлари ҳам, хурмати ҳам ошиб бораверади. У киши нафақат моҳир ташкилотчи, меҳнатсевар, фидойи инсон, балки намунали оила бошлиғи ҳамдир. Турмуш ўртоғи Мунаввар опа билан беш нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказди.

Мирзоқул ФАНИЕВ.
Бухоро вилояти.

Суратда: истеъфодаги подполковник Неъмат Жумаев ва туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Эргаш Ҳафизов ёш ходимлар билан суҳбатлашмоқда.

Китоб жавонингизга

ШОИРНИНГ ҚАЛБ ҚАЛЪАСИ



Таниқли шоир, ИИБ ИХҚК ва ЮТБ бўлим бошлиғи, полковник Зикрилла Неъматов ўзининг шеърят ихлосмандларига тўғра этган навбатдаги китобини «Қалбим қалъаси» деб номлаган. Инсон қалбини Худонинг назаргоҳи дейишади. Шу боис ҳам ҳар қандай тарбиянинг ўзаги қалбни тоза тутишдан бошланади. Ор-номус, виждон каби юксак инсоний фазилатлар киши қалбини ҳавойи нафс балоларидан сақловчи қалъадир. Кўнгил қалъаси мустаҳкам бўлган одамгина доимо улғувор бўлади. Шоир бу ҳақда куйидаги мисраларни битади:

**Гоҳида қалбимга қилгайлар ҳужум,
Нафс навкарларин очкўз галаси.
Ёвуз ганимлар-ла жанга кирмоқ-чун
Ҳамиша тайёр бўл, қалбим қалъаси.**

Муаллиф нафс лашкарининг ҳар қандай ҳамласини даф этиш, иймонни бут сақламоқ учун қалб доимо бедор бўлмоғи лозим дейди. Бу нафақат шоирнинг ўзига, айна пайтда китобхонга ҳам қаратилган даъватдир. Ўндан ортиқ шеърини тўплагани нашр эттирган шоир ижодида ватанпарварлик, мустақиллик мавзулари салмоқли ўрин тутди. Унинг янги тўплаганидан жой олган «Ватан ишқи», «Ягонамансан, Ўзбекистон», «Истиклолнинг кошоналари», «Ўзбекистонга таъзим» каби шеърларни ўқир экансиз, беихтиёр қалбингизда эл-юртга муҳаббат, бугунги тинч-осойишта кунларга шукроналик, юртимиздаги бунёдкорлик ишларидан фахр-ифтихор туйғулари жўш урса ажабмас. Шунда шоирга қўшилиб:

**Келинг, дўстлар, бир тан ила бир жон бўлайлик,
Мангу тинчлик кўргонига посбон бўлайлик,
Зафар кучиб, мудом кўкси осмон бўлайлик,
Асрагандек азиз ота ҳам онамизни —
Асрагаймиз олам ичра ягонамизни!**

— дегингиз келади.

Китоб «Mumtoz so'z» масъулияти чекланган жамиятининг матбаа бўлимида чоп этилган. Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоев. Ишқ-муҳаббат, одамийлик, мардлик, миллий ғурур, ота-онага муҳаббат каби юксак фазилатларни тараннум этувчи шеърларни ўзида жамлаган ушбу тўплам шоирнинг мухлислари қалбидан муносиб жой олади, деб умид қиламиз.

Иномжон РАҲИМХЎЖАЕВ.

Амалиёт

ТАЖРИБАЛИ ХОДИМЛАР МУРАББИЙЛИГИДА

Шу кунларда ИИБ Академиясининг 3-ўқув курси тингловчиларидан 26 нафари Андижон шаҳар ИИБда амалиёт ўтамоқда. Мазкур амалиёт жараёни махсус режа асосида олиб борилмоқда. Юқори касбий малакага, шунинг баробарида, катта обрў-эътиборга эга бўлган тажрибали ходимларнинг тингловчиларга устоз этиб бириктирилгани амалиёт самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Амалиётчи тингловчилар мустақил равишда иш ташкил этиш ва олиб боришнинг дастлабки босқичини ўрганишяпти. Устозлар эса уларнинг ҳар бир ҳаракатини қунт билан назорат қилиб, ўз маслаҳатларини бериб бормоқдалар.

Тингловчиларнинг амалиёт ўташлари учун ички ишлар бўлимида барча шароитлар яратилган. Хизматга доир ҳужжатлар билан танишиш, фуқаролар билан ишлаш жараёнида иштирок этиш, техник воситалардан фой-



Суратда: ИИБ Академияси ўқитувчиси, капитан С. Раззоқов тингловчилар билан амалиёт жараёнини таҳлил қилмоқда.
С. ХУСАНОВ олган сурат.

даланиш имкони мавжуд. Бундан унумли фойдаланиб келаётган Бекзод Қодиржонов, Махлиё Рустамова, Аббос Боқижонов каби тингловчилар тергов, эксперт-криминалистика, жиноят

қидирув ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш йўналишлари бўйича амалиёт ўтаб, яхши натижаларга эришишмоқда.

Шухратбек ИБРАГИМОВ,
подполковник.
Андижон вилояти.

Нукус шаҳар ИИБнинг жиноят қидирув, тергов ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматларида амалиёт ўтаётган ИИБ Академияси бир гуруҳ тингловчиларининг ички ишлар идоралари фахрийлари, истеъфодаги полковник У. Атаниязов ҳамда истеъфодаги подполковниклар Қ. Қайипназаров ва А. Қутибаев билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда сўзга чиққан фахрийлар тингловчиларга ўзларининг кўп йиллик иш тажрибалари билан ўртоқлашиб, соҳанинг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида сўзлаб бердилар. Тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга қарши курашишда юқори кўрсаткичларга эришиш учун биринчи навбатда қандай касбий билим ва кўникмаларга, инсоний фазилатга эга бўлиш лозимлиги ҳақида фикр юритдилар.

Ҳаёт кизикарли ўтган учрашув тингловчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

Тадбир сўнгида фахрийларга эсдалик совғалари топширилди.

И. АХМЕДОВ,
ИИБ Академияси ўқитувчиси, майор.
Қорақалпоғистон Республикаси.

Урганч шаҳар ИИБда ҳам фахрийлар билан учрашув ташкил этилди. Бу ерда амалиёт ўтаётган ИИБ Академияси 3-ўқув курси тингловчилари иштирокида бўлиб ўтган мазкур учрашув катнашчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирни шаҳар ИИБ бошлиғининг ўринбосари, майор З. Исмоилов очиб, ёшлар тарбиясида кексаларнинг тутган ўрни хусусида тўхтади. Шундан сўнг узоқ йиллар ички ишлар идораларида самарали хизмат қилган истеъфодаги подполковник Ф. Ҳайитбоев ҳамда истеъфодаги майор М. Матякубова сўзга чиқди. Улар ўз сўзларида юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида хизмат қилиш ғоят шарафли иш эканлигини эътироф этган ҳолда, ички ишлар идоралари ходими бўлиш кишидан улкан масъулият ва фидойиликни талаб қилишини таъкидлашди.

Учрашувда иштирок этган ИИБ Академияси кафедрасининг катта ўқитувчиси, подполковник Р. Раҳмонов ушбу тадбирни ташкил этган шаҳар ИИБ раҳбарияти ҳамда фахрийлар кенгашига тингловчилар номидан самимий миннатдорлик билдирди.

Худойберган ЖАББОРОВ.
Хоразм вилояти.



ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

Урганч шаҳридаги Жалолiddин Мангуберди номли маҳаллада тинчлик ва осойишталикни таъминлаш борасида кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда самарали иш олиб борилаётгани боис ижобий натижаларга эришилмоқда.

– Худудимизда уч мингга яқин аҳоли истиқомат қилади, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳабибулло Ситметов. – Ички ишлар идоралари ходимлари билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилгани туфайли жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг ўтган йилларга нисбатан кескин камайди. Шунингдек, вояга етмаган жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Ишламаётган фуқароларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш каби муҳим масалалар ҳам ҳамжиҳатликда ҳал этилди. Бундай хайрли ишларни амалга оширишда профилактика инспектори, капитан Расулбек Аллаберганов, «Маҳалла посбони» жамоат тўзилмаси раҳбари Баҳодир Курбонов, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Фароғат Раҳимовларнинг хизматлари катта бўлмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ҳамда профилактика инспектори иштирокида тунги навбатчилик гуруҳларининг фаолияти, оилавий келишмовчиликларнинг олдини олиш, фуқароларни иш билан таъминлаш, тўй-

ҳашамларни ортиқча исрофгарчиликсиз, тинч-осойишта ўтказиш, ободонлаштириш каби муҳим масалалар атрофлича муҳокама қилинган. Айниқса, вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозирги кунда маҳаллада яшовчи 570 нафар ўқувчи-ёшлар дам олиш оромгоҳларида ҳамда таълим муассасалари қошида ташкил этилган тўғарақларда ёзги таътил кунларини мароқли ўтказишмоқда.

– Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда кенг жамоатчиликнинг роли бениҳоя катта, – дейди профилактика инспектори, капитан Расулбек Аллаберганов. – Маҳалламизда эл-юрт дарди билан яшаётган фидойи инсонлар кўпчилиги ташкил этади. Бахтиёр Камолов, Отахон Оллаберганов, Гулноза Отаниёзова, Умид Оллаберганов сингари фаолларимизни фахр билан тилга олишимиз мумкин. Айниқса, «Маҳалла посбони» жамоат тўзилмаси раҳбари Баҳодир Курбоновнинг ўз хизмат вазифасига масъулият билан ёндашган боис турли ҳуқуқбузарликларнинг олди олинмоқда.

ҲАМКОРЛИК НАТИЖАЛАРИ



... Тушга яқин маҳалла худудини айланиб юрган «Маҳалла посбони» жамоат тўзилмаси раҳбари Баҳодир Курбонов кўп қаватли бинолардан бирида енгил табиатли аёлларнинг ноқонуний яшаётганидан хабар топди. У дарҳол бу ҳақда профилактика инспекторига хабар берди. Зудлик билан ўша хонадон кузатувга олинди. Кўп ўтмай хонадонга нотаниш икки эркак кишининг кириб кетгани қайд этилди. Орадан бироз муддат ўтгач, осойишталик посбонлари шубҳа остига олинган хонадонга киришди ва «ошиқ-маъшук»ларни гувоҳлар иштирокида қўлга олишди. Нопок иш билан шуғулланиб, мўмайгина пул топишни ният қилган хонадон соҳибаси Р. Роҳила (исми

шарифи ўзгартирилган) қилмишига яраша жавобгарликка тортилди.

– Яқинда маҳалламизда яшовчи икки қўшни ўзаро жанжаллашиб, бир-бирининг устидан арз қилиб келди, – дейди маҳалла оқсоқоли Ҳабибулло Ситметов. – Икки томон ҳам ўзича ҳақ, тегишли чора кўришимизни талаб қиларди. Капитан Расулбек Аллаберганов маҳалла фаолларини йиғиб, «санман»га бориб қолган қўшнилар билан йиғилиш ўтказди. Ёши улуг кишиларнинг фикрлари тингланиб, асабий ҳолда ўтирган икки қўшнинг насиҳат берилди. Хуллас, бу хайрли йиғин ижобий яқун топди. Жанжаллашаётган қўшнилар ярашиб, қилган ишларидан пушай-

мон бўлишди ва бир-биридан кечирим сўрашди.

Маҳаллада ўн икки нафар муқаддам судланган, тўрт нафар ичкиликка ружу қўйган, саккиз нафар гиёҳвандликка мубтало бўлган шахслар истиқомат қилади. Профилактика инспектори улар билан мунтазам равишда яқин тартибда суҳбатлар олиб бормоқда. Айниқса, уларни даволаш, ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда иш билан таъминлаш масалалари доимий эътиборда.

– Турмуш ўртоғим шаҳардаги корхоналардан бирида ишларди, – дейди маҳаллада яшовчи Р. Салима. – Ичкиликка берилди-ю, туппа-тузук ишидан айрилди. Шундан сўнг тилла тақинчоқларимни ўғри-лаб, ичкиликка алмаш-

тириб юборди. Ҳатто рўзгоримиздаги нарсаларни ҳам сотиб ичди. Хуллас, жанжалдан бошимиз чиқмай қолди. Оиламиздан ризқ-насиба кўтарилди. Бундан хабар топган маҳалламиз оқсоқоли Ҳабибулло ака ҳамда профилактика инспектори уйимизга келиб, эримни мажбурий даволаш муассасасига ётқизишди. Оиламизни тиклаб олишимиз учун моддий ёрдам беришди. Қўниқўшлар ҳам қараб туришмади. Бир неча йиллик қийинчиликлар ортда қолди. Турмуш ўртоғим яна уйимизга қайтди. Ишга жойлашди. Маҳалламизда шундай олижаноб инсонлар борлигидан фахрланаман. Уларнинг беғараз ёрдамини ҳеч қачон унутмайман.

Фидойи инсонлар бор жойда ижобий ўзгаришлар рўй беради. Тинчлик ва осойишталик ҳукм суради. Маҳалла ва гузарлар янада чирой очиб, обод масканга айланади. Жалолiddин Мангуберди номли маҳаллада бўлганимизда бунга яна бир бор амин бўлдик.

Худойберган ЖАББОРОВ.
Хоразм вилояти.

Суратда: профилактика инспектори, капитан Расулбек Аллаберганов маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳабибулло Ситметов ҳамда котиба Гулноза Отаниёзова билан кундалик ишлар ҳусусида суҳбатлашмоқда.

Саъдулла АБДУЛЛАЕВ
олган сурат.

ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА

Азал-азалдан одамзод ўз кучи ва машаққатли меҳнати билан бунёд этган уй-жойини, мол-мулкни асраб-авайлаш, унинг дахлсизлигини сақлашга интилиб келган. Бунинг учун соқчилардан фойдаланган, кўриқлаш чораларини кучайтирган. Бугунги фан-техника ривожланган замонда ҳам кўриқлаш тизимига бўлган талаб кучайса кучаяптики, асло камайгани йўқ. Айни шу масъулиятли вазифа ички ишлар идораларининг кўриқлаш хизмати зиммасида.

Ҳозирги пайтда Бўстонлик тумани ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими ходимлари ҳам иқтисодиёт объектлари, банк муассасалари, фуқаролар хонадонлари ва бошқа объектларнинг ишончли кўриғини ва хавфсизлигини таъминлашга ўзларининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ходимлар зийраклик, ҳушёрлик, тезкорлик билан

бирга юксак жанговар шайликни намойиш этиб, ўзларига топширилган масканларни ишончли кўриқлашмоқда.

– Ўтган йили кўриқлаш бўлими ходимлари томонидан ташмачилик билан боғлиқ тўққизта ҳолат аниқланди, – дейди туман ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими бошлиғи, подполковник Қобил Шодибеков. – Маҳсулотлар корхона-

ларга топширилиб, саккиз нафар фуқарога нисбатан суд томонидан 947 минг сўм жарима жазоси тайинланди. Жумладан, Одил ва Файрат (исмлар ўзгартирилган) «Кўшқўрғон» агрофирмаси омборхонасидан 400 минг сўмлик цистернани ҳеч қандай ҳужжатсиз олиб чиқиб кетаётганида ходимларимиз томонидан тўхтатиб қолинди. Уларнинг ҳар бирига суд томонидан тегишли миқдорда жарима жазоси тайинланди.

Ҳуқуқбузарликлар содир бўлган корхоналар ва муассасалар мутасаддиларига бу каби иллатларнинг келиб чиқиш сабаблари кўрсатилиб, тавсиялар берилди. Объектларда майда ўғирлик ва талон-тароғчиликларнинг олдини олиш борасида хизматчилар ўртасида учрашувлар ўтказилмоқда.

Кўриқлаш бўлими ходимлари бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда туман худудида ўтказилаётган «Тун», «Тозалаш – Антитеррор» каби тадбирларда фаол қатнашиб, кўплаб жиноятларнинг фош этилишига, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ҳисса қўшиб келишмоқда. Жумладан, яқинда туманнинг тоғли худудларида ўтказилган тадбирлар жараёнида кўриқлаш бўлими ходимлари томонидан жиноят содир этишда гумон қилиниб, ўн нафар шахс ушланди ва туман ИИБга олиб келинди.

Кези келганда, ишончли кўриқловни ташкил этишда бор билим ва тажрибасига таяниб, қонун устуворлигини таъминлашга ҳаракат қилаётган ходимлар бўлимида кўпчиликни ташкил этишини алоҳида таъкидлашни истардим. Улар вилоят ИИБ шахсий таркибининг жисмоний ва жанговар тайёргарлигини ошириш

мақсадида ташкил этилаётган турли спорт мусобақаларида ҳам фахрли ўринларни эгаллаб келишяпти.

Ходимлар ўртасида қонунийлик ва хизмат интизомини мустаҳкамлаш мақсадида шахсий таркиб ва уларнинг ота-оналари, оила аъзолари иштирокида учрашувлар ўтказиш ҳам яхши самара бермоқда. Бу учрашувларда ҳар бир ходим учун одоб, муомала маданияти жуда зарурлиги, касб маданияти талабларини кўнгилга жо қилиши лозимлиги уқтирилмоқда.

Мустаҳкам хизмат интизоми ва муносиб меҳнат шароити мавжуд бўлган жойда иш самарадорлиги юқори бўлиши табиий. Бўлимда бу мезонларга эришилгани боис шахсий таркиб кўплаб ютуқларга эришмоқда, объектларни ишончли кўриқлаб, фуқаролар ишончини оқлаб келишмоқда.

З. МАЛЛАБОЕВА,
капитан.

Тошкент вилояти.

ХАЛҚНИНГ ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИ



Барча шароитларга эга бўлган бу бинода яратилган қулайликлардан аҳоли жуда мамнун.

Туман ИИБ хузуридаги қўриқлаш бўлими ходимлари эса 27 та ташмачилик ҳолатини аниқлашди. Натижада ҳуқуқбузарлардан катта миқдордаги моддий-товар бойликлар ушлаб қолинди. Уларга нисбатан жиноят ишлари бўйича туман суди томонидан тегишли миқдордаги жарима тайинланди.

Ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси ходимлари хизматда бошқаларга ибрат бўлмоқдалар. Уларнинг кечаю кундуз амалга оширган ишлари туфайли ёнғинларнинг сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 25 фоизга камайди.

Саминжон ХУСАНЗОДА.
Андижон вилояти.

Суратда: майор Баҳодиржон Ҳосилов ва сафдор Лутфиддин Ҳасанов туман ички ишлар бўлими тарихи билан танишмоқда.

Муаллиф олган сурат.

ФАРОВОН ТУРМУШГА ҚЎШИЛГАН ҲИССА

Бугун Избоскан туманига қадам ранжида қилган киши бемисл ўзгаришлар, улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳига айланади. Кенг ва равон кўчалар, кўркам иншоотлар, замонавий уй-жойлар, тўкин-сочин бозорлар, меваси бол боғлар, ажиб гулзорлар... Буларнинг барчаси фаровон турмуш ифодаси, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик самарасидир.



йўл-транспорт ҳодисасига оид жиноятлар сони камайди.

Туманда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда мавжуд 23 та милиция таянч пунктида хизмат қилаётган профилактика инспекторлари томонидан ибратли ишлар олиб борилляпти. Қолаверса, «Тозалаш-Антитеррор», «Арсенал», «Қидирув», «Спитамен», «Назорат», «Давомат» каби тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Аҳолини биометрик паспорт билан таъминлаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Шу йилнинг ўзида олти мингга яқин фуқарога биометрик паспорт тақдим этилди. Дарвоқе, яқинда хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими ўз фаолиятини янги бинода давом эттира бошлади.

Туман ИИБ ходимлари томонидан жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, уларнинг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида қатор профилактик ишлар амалга оширил-

моқда. Масалан, узок мuddатга вилоятдан чиқиб кетиб, қайтиб келган уч мингдан ортиқ фуқаролар доимий иш билан таъминланди, жазони ижро этиш муассасасидан озодликка чиқарилганлар-

нинг бир гуруҳига ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак кўрсатилди. Ана шундай саъй-ҳаракатлар самараси ўларок, йилнинг ўтган даврида босқинчилик, тавлимачилик, қасддан одам ўлдириш, автомобил-

ларни олиб қочиш, кўриқловдаги объектларда ўғрилиқ содир этиш каби ҳолатлар қайд этилмади. Талончилик, оғир тан жароҳати етказиш, хонадонлардаги ўғрилиқ, иқтисодий қонунбузарлик,

ҲЕЧ БИР БОЛА ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАСИН!

Ёш авлод келажаги унинг тарбиясига боғлиқ. Яхши тарбия кўрган фарзанд етук инсон бўлиб вояга етса, носоғлом муҳитда тарбияланган боладан ҳуқуқбузарликларга мойил киши етишиб чиқади. Бу ҳаётини ҳақиқат. Бироқ айрим ота-оналар ана шу ҳақиқатни унутиб, фарзандлари тарбиясига эътиборсиз қарашяпти, қаровсиз қолдиришяпти. Натижада улар уйда, оилада топмаган меҳрини кўчадан излаб, турли ёмон йўллarga кириб қолмоқда, кўча боласига айланыпти.

Вилоят ИИБ ҲООБ Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида ота-оналари, яқинлари эътиборидан, назоратидан четда қолган болалар вақтинча сақланади. Улардан бирининг ота-онаси ажрашган бўлса, бошқасиники хорижга ишлашга кетиб, қариндошлари қарамоғида қолдириб кетилган. Баъзиларининг эса оиласидаги носоғлом муҳит уларнинг кўчага чиқиб кетишига сабаб бўлган. Ходимларимиз уларнинг ота-оналари ёки яқин қариндошлари, қўшнилари, маҳалла фаоллари билан суҳбатлашиб, масалага ойдинлик киритишяпти.

Яқинда марказимизга Когон туманида яшовчи вояга етмаган Малоҳат (исми ўзгартирилган)ни олиб келишди. Уйдан қочиб Бухоро шаҳрида дайдиб юрган бу қизнинг ҳикоясини эшитиб, тўғриси, раҳмингиз келади. Айтишича, ҳақиқий онаси уни туғиб ташлаб кетган, ҳозирги оиласида асранди фарзанд экан. Ўша пайтлар ҳайдовчи бўлиб ишлайдиган ҳозирги отаси чақалоқни кўтариб келибди. Турмуш ўртоғи ҳам уни қабул қилиб, ўғли билан биргаликда тарбиялай бошлабди. Қизча уч яшарлик пайтида отаси ишсиз қолибди. Шушу ишсизлик уни спиртли ичимликка муқкасидан кетишига сабаб бўлибди. Бора-бора оиладаги муҳит ёмонлашиб, Малоҳатнинг таълим-тарбиясига ҳеч ким эътибор бермайдиган бўлибди. Шу боис у Бухоро шаҳрига тез-тез келиб, дайдиб юришни одат қилибди. Онасини чақиртирганимизда у қизининг гапларини тасдиқлади. Сўнг Малоҳатни махсус касб-хунар коллежига жойлаштиришимизни илтимос қилди. Биз шундай қилдик. Малоҳатни Кўқон шаҳридаги қиз болаларга мўлжалланган махсус касб-хунар коллежига юбордик.

Марказимизда барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Бу ерга келтирилган ҳар бир вояга етмаган биринчи галда тиббий кўриқдан ўтказилади. Болалар қабул қилиниб олиниси билан яшаш жойи, ота-онаси ва яқинлари борлиги ўрганилади. Агар улар бўлса, уйлари ёки қариндошлариникига, ёлғизлар эса Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларга, махсус касб-хунар коллежларга юборилади. Масалан, йил бошидан буён ижтимоий-ҳуқуқий ёрдамга муҳтож 70 нафар вояга етмаганлар келтирилган бўлса, уларнинг саккиз нафари махсус таълим муассасаларига жойлаштирилди, қолганлари эса оилаларига қайтарилди.

Мақсадимиз битта: ҳеч бир бола эътиборсиз қолмасин, оиласи бағрида, ўз ота-онаси билан бахтли яшасин! Зеро, улар бизнинг келажагимиздир.

Зумрад ҚУРБОНОВА,
майор.

Бухоро вилояти.

ИИБ Матбуот хизмати хабарлари

ЖАНЖАЛ АЯНЧЛИ ТУГАДИ

Фарғона вилоятининг Куvasой шаҳрида яшовчи Ю. Фарҳод кечкурун улфатчиликдан маст ҳолда уйига қайтаётиб, кўшниси У. Умирбой билан жанжаллашиб қолди. Ичкилик таъсирида ўзини шер деб билди, шекилли, ҳар хил сабабларни баҳона қилиб Умирбойни ура кетди. Натижада Умирбой шифохонага ётқизилди. Афсуски, у олган оғир тан жароҳати туфайли дунёдан кўз юмди.

Фарҳод ўзига келиб, қилмиши қандай аянчли оқибатга олиб келганини англаб етди. Лекин энди кеч.


ЗЎРАВОН УШЛАНДИ

Пойтахтимизнинг Учтепа туманида истиқомат қилувчи У. Маҳмуд кўчада кетаётганида кутилмаганда йўлини нотаниш бир кимса тўсиб, ундан пул талаб қилди. Сўнг кўрқитиб, уриб ундан қимматбаҳо уяли телефон аппаратини тортиб олди.

Жабрланувчи бу ҳақда ички ишлар идораларига хабар бергач, зудлик билан зўравонни аниқлаш ва ушлаш чоралари кўрилди. Кўп ўтмай ушбу талончиликни Мирзо Улуғбек туманида яшовчи Э. Дамир содир этганида гумон қилиниб, қўлга олинди.

Ҳозир тергов ҳаракатлари олиб берилмоқда.

ДЕВОР ОШГАН КИМСА



Бухоро вилояти Когон туманида яшовчи Р. Аброр туман ИИБга ариза билан мурожаат этди. У аризасида кимдир уйдан турли уй-рўзгор буюмларини ўғирлаб кетганини маълум қилган эди.


Мазкур ҳолат юзасидан олиб берилган суриштирув ишлари натижа-сида номаълум шахс девор ошиб уйга киргани аниқланди. Амалга оширилган тезкор-қидирув ҳаракатлари тез орада ўз самарасини берди. Ўғрилиқни содир этганида гумон қилинган жабрланувчининг маҳалладоши Н. Аброр қўлга олинди. Айни пайтда тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

САДҚАЙИ ЙИГИТ КЕТ

Сирдарё вилоятининг Музрабод туманида яшовчи А. Адолат уй-рўзгор юмушлари билан Гулистон шаҳрига келди. Маданият маҳалласида кетаётганида кутилмаганда рўпарасида номаълум шахс пайдо бўлиб, «Samsung» русумли уяли телефонини тортиб олиб қочди.

Жабрланувчининг мурожаати асосида воқеа жойига етиб келган ички ишлар идоралари ходимлари тезкор-суриштирув ишларини амалга оширишди ва тезда талончининг қўлга олишга муваффақ бўлишди. Сирдарё туманида яшовчи Ш. Азимбой энди қилмиши учун жавоб бериши аниқ.

Шерали АНВАРОВ,
майор.



Маърифат ва сиёсий ўқиш

МАҲАЛЛА — ҲАМЖИҲАТЛИК МАСКАНИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда кўламини жиҳатидан ғоят кенг ва моҳиятан инсонпарвар ислохотлар, янгиликлар, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Асрларга татигулик бундай ўзгаришлар, аввало, инсон манфаатларини ифода этиб, халқимизнинг минг йиллик эзгу қадрият ҳамда анъаналарини тиклаш, ривожлантиришга, миллий ғурур, қадриятларини, ўзликни англаш туйғусини юксалтиришга хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этади.

Бугун юртимизда ҳар соҳада кўлга киритилаётган муваффақиятлар, халқимизга хос ва мос ривожланиш йўли, шубҳасиз, Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилаётган тараққиётнинг «ўзбек модели» натижасидир.

Юртимизда кечаётган ислохотларнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ Юртбошимиз ташаббуси билан «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили илгари сурилди. Бу жараёнда давлат бошқарув тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва унинг зиммасидаги вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказиш пировард мақсадга айланди.

Эътироф этиш жоизки, мазкур тамойилнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида маҳаллалар фаолияти бутунлай янгича мазмун касб этмоқда. Ўзини ўзи бошқаришнинг бу ноёб тизимининг мақоми ва ҳуқуқий асослари дастлаб мамлакатимизнинг Бош Қомуси — Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилди. Жаҳон тажрибасида илк бор «маҳалла» деб аталувчи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти пайдо бўлди.

Маҳалла асрлар оша, рангбаранг турмуш тарзи, дин, мафкура, турли ғоялар қозонида қайнаган, ҳаёт синовларидан ўтган донишманд ўзбек халқи учун таянч ва суянч бўлган бебаҳо қадриятдир. У тарихнинг энг кескин даврларида ҳам сақланиб қолиб, кишилар ишончини қозонган, шарқона жамоатчилик нуқтаи назарини ифода этган ўзини ўзи бошқариш тизимидир.

Бугун ҳаётимизни маҳалласиз, шу масканда истиқомат қилаётган яқин қўшниларсиз тасаввур қила олмаймиз. Фуқаролик жамияти институтлари ичида маҳалла ноёб тузилма сифатида аҳолига энг яқин тизимдир. Чин инсоний фазилятлар сайқал топадиган маҳаллани том маънода ҳамжиҳатлик маскани, дейиш мумкин.

Фуқаролар йиғинларида ҳаёт қайнайди, ҳақиқий инсоний муносабатлар кенг қанот ёзади. Бугун маҳалла ҳар биримизнинг ҳаётимизда алоҳида ўрин эгаллади. Уларни бир-биридан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Маҳалланинг бугунги масъулияти — унинг ҳудудидаги осойишталик билан белгиланади. Одамларнинг эришаётган ютуқларидан завқланиши кишини қувонтиради.

Маҳалла — бу жуда мустақам ва барқарор тузилма. Сўнгги йилларда у босқичма-босқич ривожланмоқда. Маҳалла жамиятда маънавий-маърифий қадриятлар, соғлом турмуш тарзининг қарор топиши, баркамол авлодни тарбиялаш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби ишларда катта ҳисса қўшиб келмоқда. Оилавий бизнес ҳам бундан мустасно эмас.

Айни пайтда хорижий экспертлар ҳам юртимизда мавжуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига юқори баҳо беришмоқда. Улар-

радиган маскан, мўъжаз бир ватандир.

Кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда маҳалланинг ўрни беқиёс. Чунки маҳалла аҳоли ҳаёт тарзи, муаммоларини чуқур биладиган, уларни ечишга, ҳар қандай вазиятда одамларнинг бошини қовуштиришга қодир бўлган бетакрор институт сифатида тан олинади.

Бу ердаги фаолиятнинг асосий принциплари ижтимоий адолат, демократия, ошқоралик, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни ечишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдамдан иборат. Мазкур принциплар жамиятимизда сиёсий-иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий адолатни қарор топтиришнинг муҳим воситаси сифатида миллий қонунчилигимиздан алоҳида ўрин эгаллаган.

— Ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, қўни-қўшничилик ин-

риб турмайди. Кимдир хизмат билан, кимдир маблағ билан ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилади.

Хорижлик меҳмонлар одамларни нима бирлаштириб турганини тушунолмай ҳалак бўлишган. Масалан, кимдир янги ҳовли қура бошласа, маҳалладошлар унга кўмак беришади. Иморат қураётган одам ҳеч кимни ёрдамга чақирмайди, уйига келиб ишлаётганларга пул бермайди, ҳашарчилар ҳам ундан ҳеч нарса тама қилмайди. Кимдир тўй қилмоқчи бўлса, биров қўй етаклаб келади, бошқаси бир қоп гуруч ташлаб кетади. Мана — бизнинг қадриятларимиз. Бу фазилятларнинг ҳаммаси азалдан маҳаллада шаклланган.

Агар эътибор берсангиз, барчамиз ёшлигимиздан ҳовлиларда ўтказиладиган тўймаъракаларда хизмат қилиб катта бўлганмиз. Сабзи тўғрар,

ётганидан оқсоқоллар хурсанд бўлишиди.

Бошқа юртларда қўни-қўшнилар бир-бирини кўрмай, ҳатто танимай яшайверишади. Бизда эса меҳр кўзда, дейилади. Шунинг учун бир маҳалла одамлари тез-тез кўришиб, бир-бирига меҳр улашиб туриши жуда аҳамиятли масала. Бундай меҳр-оқибат эса эл-юртимиз, одамларимиз ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб келмоқда.

Бирор қизни келин қилмоқчи бўлган одам биринчи навбатда унинг яшаш жойи — маҳалласини суриштиради. Маҳаллада нуроний, кўпни кўрган қарияларнинг бор-йўқлиги билан қизиқади. Аҳиллик, ҳамжиҳатлик ҳукм сурган маҳаллада яшаб, яхши инсонларнинг панду насиҳатини олган қиз ҳеч қачон ёмон бўлмайди. Ўз уйини, ўз маҳалладошини қадрлаган, яхши тарбия олган одам, албатта, ўзга хонадон эгаларини ҳам ҳурмат қилиши табиий. Ёки бирор йигитга қиз бермоқчи бўлган оила вакиллари ҳам йигитнинг қайси маҳаллада истиқомат қилиши билан қизиқади. У жойдаги ободончилик, аҳиллик, бирдамликни ва ҳамжиҳатликни суриштириши турган гап.

Юртимизда маҳалланинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва роли жуда юқори. Қолаверса, миллий қадрият ва урф-одатларимизни улуғлаб келаётган, ҳамжиҳатлик, ибратли ишлар масканига айланган маҳаллаларга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди.

Маҳаллага нисбатан ана шундай эътироф ва эътибор ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ, албатта. Тарихий манбаларда қайд этилишича, асрлар давомида Шарқ халқлари жамоа-жамоа бўлиб, маълум тартиб-интизом, қонун-қоидаларга риоя қилган ҳолда яшаб келганлар. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими шу тарзда қадимдан шаклланиб, ривожланиб ва бугунги кунда ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Алишер Навоий «Ҳайрат-ул аброр» асарига «маҳалла — шаҳар ичидаги шаҳарча» дея таъриф берган. У, шунингдек, маҳалладошлар ўртасида ҳурмат, тенглик мавжуд бўлганини, бой ва камбағалнинг бир-бирига муносабатида ғамхўрлик қадрланганлигини таъкидлайди.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла — фуқаролик жамиятининг асоси ва таянчидир. Зеро, маҳалланинг юртимизда тинчлик ва осойишталикни, ҳамжиҳатликни мустақамлашга қўшаётган ҳиссасини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Ватанга муҳаббат, аҳиллик, яхши қўшничилик, меҳр-оқибат, катталарга ҳурмат каби ўзбекона фазилятлар айнан маҳаллада шаклланаётгани ушбу ноёб институтга нисбатан жамият ишончини янада оширади.

Толибжон НИЗОМОВ,
журналист.



нинг фикрича, кўплаб мамлакатларда ҳанузгача фуқаролик жамияти хусусида яхлит тушунча шаклланмаган. Ўзбекистонда эса муштарак ғоялар атрофида жипслашиб, бамаслаҳат иш олиб борувчи, миллий анъаналарни асраб-авайлаб, келажак авлодга етказувчи, қолаверса, жамиятнинг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшувчи тизим — маҳалланинг фаолиятдан ўрнак олса арзийди.

Ҳаёт маҳалладан бошланади. Ғўдак шу масканда улғаяди. Қўшнилар бир-бирига сирдош, одамлар қувончу ташвиши ҳал бўладиган, ахлоқ-одобдан сўзлайдиган, меҳр-оқибат туфайли кўркамлик касб этаётган масканда яшаш ҳар бир инсон учун чинакам бахтдир.

Маҳалла халқимизнинг тарихан шаклланган ўзаро ҳамжиҳатлик, бирдамлик ва меҳр-оқибат тимсоли, маълум бир ҳудуддаги аҳолини бирлашти-

сонларни бир-бирига яқинлаштиради. Халқимиз ҳеч қачон бундай олижаноб фазилятлардан ажралаб яшамаган, — дейди пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хонзода Абдужалилова. — Ўзбекистонда азалдан инсоннинг ҳамма қувонч ва ташвиши бошқалар билан бирга баҳам кўрилади. Бир пайтлар кимлардир айрим қадриятларимизни бошқача талқин қилишга уринди. Лекин йиллар давомида халқнинг турмуш тарзига айланган бу анъаналарни ҳеч ким сиқиб чиқара олмаган.

Иқтисодий қудрати тобора юксалиб бораётган юртимизга хорижлик сайёҳлар кўп ташриф буюришади. Албатта, улар ноёб бошқарув тизими, ҳамжиҳатлик маскани — маҳаллалар фаолияти билан қизиқишади. Меҳмонлар миллий анъаналаримизни кўриб, лол қолишади.

Агар маҳаллада бирор тadbир бўлса, ҳеч ким қўл қовушти-

самовар қайнатиш, меҳмон кутиш, дастурхон тузаш каби зарур ҳаётий юмушларни шу тарзда, болаликдан ўрганганмиз. Маҳалламиздан кимнингдир уйда йиғин бўлса, ҳаммадан олдин бориб, бел боғлаб хизмат қилганмиз. Ахир, инсонларнинг бир-бирига меҳр-оқибати, ҳамжиҳатлиги шунда эмасми?

Яқинда Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан пойтахтимиздаги Истиклол маҳалласида бир йиғин ўтказилди. Иккинчи жаҳон урушида қатнашганлар, шу эл, шу Ватан учун хизмат қилиб ўтганлар эсланди. Ҳамма маҳалла гузарига йиғилиб, қўлидан келганича хизмат қилди, ёши улугларнинг дуосини олди. Маҳаллада ажлоддан авлодга ўтиб келаётган ўзаро ҳамжиҳатлик, жипсликдан барча қувонди. Кексалар бошлаган эзгу ишларни ёшлар давом эттириб, бекаму кўст бажариша-

Қонунчилик тарғиботи

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШМОҚДА



Бугунги кунда Ички ишлар вазирлигининг вақтинча сақлаш ва тергов ҳибсхоналарида сақлаб турилган шахслар, шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган маҳкумларни моддий-маиший таъминоти ва уларга тиббий хизмат кўрсатиш инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар асосида янада такомиллашмоқда.

Хусусан, Жиноят-ижроия кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 июлдаги «Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорига асосан ИИВ муассасаларида ушлаб турилган ва қамоқда сақланаётган шахслар, шунингдек, жазони ўтаётган маҳкумларни нормал шароитда сақлашни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2015 йил 7 июлда «Ўзбекистон Республи-

каси Ички ишлар вазирлигининг вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида ва тергов ҳибсхоналарида сақлаб турилган шахсларнинг, шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган маҳкумларнинг таъминоти меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида» Қарор қабул қилинди.

Мазкур қарор билан Ички ишлар вазирлигининг вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида ва тергов ҳибсхоналарида сақлаб турилган шахсларнинг, шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган маҳкумларнинг озиқ-овқат

нормалари, жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналарида сақланаётган ҳомиладор ва бола эмизувчи аёлларнинг ҳамда ушбу муассасаларнинг стационар ва даволаш муассасалари, тиббиёт бўлимларида сақланаётган касалларнинг озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлаш меъёрлари, жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналарининг совун ва кир ювиш воситалари таъминоти меъёрлари тасдиқланди.

Қарорнинг 2-бандига асосан, Ички ишлар вазирлигига маҳкумларнинг озиқ-овқат, кийим-кечак, совун ва ювиш воситалари билан таъминлаш нормаларини қўллаш, шунингдек, маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган пул маблағларини сарфлаш нормаларини белгилаш,

маҳкумларнинг кийим-кечак маҳсулотлари моделини, уларни бериш ва фойдаланиш, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда бир озиқ-овқатини бошқасига алмаштириш меъёри ва уларни қўллаш тартибини белгилаш ҳуқуқлари берилди.

Ҳукуматнинг ушбу қарори мамлакатимизда маҳкумлар ҳуқуқларини таъминлаш, жумладан, ушлаб туриш, қамоқда сақлаш ва жазони ижро этиш муассасаларидаги шахсларнинг сақлаш шароити, моддий-маиший таъминоти ҳамда уларга тиббий-санитария хизмати кўрсатишни янада яхшилашга хизмат қилувчи ҳужжат ҳисобланади.

Ҳужжатнинг тўлиқ расмий матни «Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 2015 йил 27-со-

нида ва Ўзбекистон қонунчилигининг миллий маълумотлар базаси жойлаштирилган www.lex.uz сайти орқали ахборот қидирув тизимида эълон қилинган бўлиб, ушбу ҳужжатдан ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармаси тизимидаги барча муассасалар, Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси тизимидаги вақтинча сақлаш ҳибсхоналари, шунингдек, молия, хўжалик, таъминот, тиббиёт ва назорат-тафтиш хизматлари амалиётда фойдаланиши ва унга амал қилиши лозим.

Маҳмуд ОЧИЛОВ,
майор.

Тадқиқот

Мамлакатимизда бозор муносабатларини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган бир вақтда, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш ва уларнинг муҳофаза этилишини кафолатлаш муҳим аҳамият касб этади. Демократик ислохотларни амалга оширишга ғов бўладиган, кенг тарқалган жиноят турларидан бири шахс, жамият ва давлатимизнинг мулкига таҳдид соладиган фирибгарликдир. Унга қарши курашиш масаласига алоҳида эътибор қаратишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилонга, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиги даражасига мувофиқ бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов озодликдан маҳрум этиш барча ижтимоий касалликларга даво бўлувчи восита эмаслиги, балки айрим ҳолларда у даволашдан кўра кўпроқ зиён етказиши ҳақида айтиб ўтганлар. Шунингдек, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликка қарши курашдаги ролини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатганини, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқлигини таъкидлаганлар.

«Фириб» сўзига «кишини қасддан адаштириш, қўлга тушириш, алдаш, ҳийла-найранг» деб таъриф берилган.

қариш органлари ҳамда жамоат ташкилотлари фаол жалб этилмаётганлиги оқибатида фирибгарлик жиноятлари сўнгги йилларда мунтазам равишда ўсиб бормоқда);

тўртинчидан, фирибгарлик натижасида етказилаётган зарарнинг нисбатан кўплиги.

Фирибгарлик жиноятининг келиб чиқиш са-

фирибгарлик жиноятига қарши курашиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу жиноятнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у йилдан йилга такомиллашиб янги усулларда амалга оширилмоқда. Фирибгарлар нафақат фуқаролар, балки тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш, банк

этилишига сабаб бўлаётган ҳуқуқий омиллар ҳисобланади. Айнан фирибгарлик жиноятларини содир қилганлар орасида ўрта маълумотлилар 63,6 фоизни, ўрта махсус маълумотга эга шахслар 31,8 фоизни ташкил қилган. Сўнгги беш йил давомида ушбу жиноят олий маълумотга эга шахслар томонидан содир этилмаганли-

рилмаса, уларнинг хулқатвордаги ўзгаришлар доимий мониторинг қилиб борилмаса, мазкур турдаги жиноятчиликнинг камайишига эришиб бўлмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мамлакатимизда фирибгарлик жиноятининг олдини олиш борасида қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

► профилактика инспекторлари ўз хизмат ҳудудида аҳоли билан тушунтириш ва тарғибот ишлари бўйича учрашув ҳамда суҳбатлар ташкил қилиши;

► жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда кенг қўламли тушунтириш ишларини олиб бориш;

► аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўриш;

► ҳар ойда тегишли мутасадди ташкилотлар билан маҳаллаларда йиғилиш ўтказиб, фуқароларнинг бирор-бир қонуний истакларини (масалан: кредит олиш, ишга, ўқишга кириш, ер олиш, пластик карточкадаги маблағни нақд пулга алмаштириш, автомашина олиш, савдо фаолиятини юритиш ва ҳоказо.) амалга оширишда қонун талабига риоя этишларини уқтириш, акс ҳолда фирибгарлик жиноятининг жабрланувчиси бўлиб қолиши мумкинлигини тушунтириш;

► доимий равишда оммавий ахборот воситаларида фирибгарлик жиноятининг жабрланувчиси бўлиб қолмаслиги борасида материаллар бериб бориш.

Ахбар ҚОДИРОВ,
катта лейтенант.

ФИРИБГАРЛИКНИНГ ОҚИБАТЛАРИ



Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддасида фирибгарлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Унга кўра фирибгарлик алдаш ёки ишонччи суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритишдир. Фирибгарлик жиноятининг ижтимоий хавфлилиги қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, шахснинг Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган мулкдор бўлиш ҳуқуқига реал таъвоуз қилиши;

иккинчидан, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни амалга оширишга тўсқинлик қилиши;

учинчидан, ушбу турдаги жиноят содир этилишининг республика миқёсида йилдан йилга ошиб бораётганлиги (таъкидлаш жоизки, жиноятчиликка қарши курашиш тадбирлари комплекс тарзда ташкил этилмаётганлиги, бу жараёнга маҳаллий ҳокимликлар, давлат бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бош-

баблари ва уни содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар қуйидагилардан иборат:

► фуқароларда ҳуқуқий саводхонлик ва маданиятнинг етарли даражасида эмаслиги;

► кишиларнинг бир-бирларига бўлган ишончидан бошқаларнинг (фирибгарларнинг) фойдаланиши;

► айрим фуқароларнинг бепарволиги, ҳушёр эмаслиги ҳамда уларнинг пассив феъл-атворлари;

► фирибгарлик жинояти жабрланувчиларида айрим эҳтиёжларини арзон ёки ноқонуний равишда амалга оширишга бўлган истакнинг мавжудлиги.

соҳаларига ҳам таҳдид қилмоқдалар. Технологиялар ривожланиб, кўплаб шартномалар интернет тармоқлари орқали амалга ошириляпти. Натижада интернет фирибгарлиги вужудга келди.

Бугунги кунда фирибгарлик жиноятларининг содир этилишига таъсир қилаётган қатор муаммоларга ҳалигача ечим топилгани йўқ. Жумладан, ўз ҳаракатларининг оқибатини англаб етмаслиги, ҳуқуқий тарбиянинг шакланмаганлиги, ҳуқуқий саводхонлигининг пастлиги, айрим ҳолларда жиноят содир этган шахснинг жавобгарликка тортилмасдан қолиши жиноят содир

ги, ҳуқуқий саводхонлиги паст шахслар ўртасида жиноят содир этиш коэффициенти юқорилигини англатади.

Ёшларнинг «оммавий маданият» одатларига кўникиб қолиши оқибатида мавжуд ҳуқуқий қоидаларни менсимаслиги, ишсизлик, оилавий муҳитнинг ёмонлиги, вояга етмаганларнинг қаровсизлигини ижтимоий омиллар сифатида кўриш мумкин. Бунинг оқибатида айрим ёшлар ижтимоий одоб-ахлоқ қоидаларини қасдан менсимасдан, турли хилдаги ҳуқуқбузарликларни содир қилиб, жиноят йўлига кириб қолмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда фирибгарлик жиноятчилиги билан боғлиқ муайян муаммолар мавжуд. Айниқса, фуқароларга ижтимоий, иқтисодий, психологик ва криминал салбий таъсир этувчи омилларнинг кучайиши муаммонинг кенгайишига сабаб бўлмоқда. Келгусида фуқароларга ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам ишлари кучайти-

ИНСОННИНГ ЭНГ ОЛИЙ АЪМОЛИ

Маълумки, ўзбек миллий тарихи, аслида маданият тарихидир. Тарих – халқ маънавиятининг асоси эканлиги кўп бора қайд этилган. Миллий маънавият ўз-ўзидан ривож топмайди. Тарихий хотирани тиклашдан том маънодаги маънавий ривожланишга эришиш қийин.

Инсоннинг юксак маънавийлиги бўлиши жуда ҳам зарурдир. Маънавий тарбия инсоннинг энг олий аъмоли бўлмоғи шарт. Шу боис ҳам Юртбошимиз Ислоҳ Каримов: «Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканми, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчилиқка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озикланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охири оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин», – деб таъкидлаган эдилар.

Маънавий тарбияга бўлган эҳтиёж инсон қалбини нурга, яхшиликка, эзгуликка тўлдирувчи, уни иллатлардан химоя қилувчи восита ҳисобланади. Соғлом эҳтиёжни шакллантириш учун эса мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлишимиз керак. Бундай ҳолатни аниқлаш учун қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

Биринчидан, бугунги ёшларимиз учун қайси сифатлар устувор аҳамиятга эга: моддий бойликми, амалга интилишми, билим олишми, маънавий савияни оширишми?

Иккинчидан, бадий асарлар ва кино-театр асарлари, оммавий ахборот воситалари нашрлари ёшларимизнинг эҳтиёжларини ўрганган ҳолда таклиф этилгандими?

Учинчидан, ёшларимизнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш, уларнинг маънавий қиёфасини шакллантириш замон талабига жавоб бера оладими?

Жамият маънавий қиёфасини белгилашда фуқароларнинг юқоридаги саволларга берган жавоблари муҳим аҳамиятга эга. Энг аввало, шахсда ўзини-ўзи ривожлантиришга мойиллик бўлиши, ён атрофида маънан бой, том маънодаги зиёли кишиларнинг борлиги маърифатли инсон тарбиясининг муҳим жиҳатларидан биридир. Миллий хусусиятларимиз, феъл-атворимизга номуносиб маданий бойликларни

ўзлаштиришга интилар эканми, пировард натижада, бу маънавий парокандаликка олиб келиши тайин.

Миллий-маънавий мафкурада тарихий хотирани тиклаш, шу орқали миллий гурурни тарбиялаш бош вазифа. Умумжаҳон тафаккури, онги, маданияти ва цивилизацияси ҳам шахснинг камолотида муҳим аҳамият касб этади. Маънавий тарбия борасида жиддий шуғулланиш, уни юксалтириш ва бойитиш, миллий-маънавий ва маърифий қадриятларни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш орқали комил инсонни вояга етказиш мумкин.

Мустақиллик миллатимиз, халқимизни янги маърифий-маданий ва миллий-маънавий қадриятлар кенгликларига олиб чиқди. Ёшларни, жумладан ички ишлар идоралари тизимидаги олий таълим муассасалари тингловчилари ва курсантларини ватанпарвар, теран тафаккур соҳиблари этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маънавий тарбия муҳим воситалар – кўргазмалар, давра суҳбатлари, театр ва музейларга ташрифлар орқали амалга оширилмоқда. Давра суҳбатларида юртимизда қадимдан турли миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек аҳилликда яшаб келгани, бу диёр азалдан бағрикенг, савоқли, меҳридор инсонлар юрти бўлгани ёшларга тарихий материаллар, ҳаётий мисоллар, фотосуратлар ёрдамида кенг тунтирилмоқда.

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 9 май – Хотира ва кадрлар куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган суҳбатда билдирган фикрлари юзасидан ИИБ тизимидаги олий ўқув юртларида «Маънавият сабоқлари», «Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари» бўйича туркум машғулотлар ўтказилди. Бу ички ишлар идоралари ходимларида тинчлик ва осойишталикни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, шу табаррук заминни, истиқлол ато этган чексиз имконият ва шароитларнинг қадрига етиш, эл-юрт равнақи, фаровонлиги йўлида доимо масъулиятни ҳис этиш туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сиёсий маданият ижтимоий-сиёсий фаолликнинг негизини ташкил этади. Шунинг учун ҳам сиёсий мада-

ният шахс – давлат – жамият муносабатларида риоя этиладиган нормалар, қадриятлар, қоидалар сифатида жамиятнинг сиёсий гоёсини, тажрибасини ва бошқаришга оид фаолиятларини ифода қиладиган воқелиқдир. Ўзбекистонда шаклланган сиёсий маданиятнинг қуйидаги умумий хусусиятларини эътироф этамиз:

► алоҳида шахс манфаатларининг давлат ва жамият аъналарига ҳамоҳанглиги;

► ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал этишда давлат ва жамиятнинг ҳал қилувчи

Давлатнинг кучи халқнинг сиёсий маданияти ва онглилигидадир.

аҳамиятга молик роли эътироф этилиши;

► ҳокимиятга ҳурмат билан муносабатда бўлиш аънасининг мавжудлиги, раҳбарларнинг сиёсий-маънавий қиёфасига юксак талаб қўйилиши;

► парламент ва бошқа вакиллик органларининг ижтимоий ҳаётдаги роли ортаётганлиги;

► ҳуқуқ-тартибот тизимида ижтимоий-сиёсий фаолликни амалга оширишда тенг ҳуқуқлик талабларига риоя этиши;

► мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаётида сиёсий партиялар фаоллигининг ортиб бораётгани.

Шахс – давлат – жамият тизимида манфаатларни уйғунлаштириш нафақат сиёсий жараёнларни рационал бошқариш эҳтиёжидан, шу билан бирга, шарқона ахлоқодоб ва демократия талабларидан келиб чиқади. Яъни, демократик тараққиётнинг манфаатлар хилма-хиллиги кенгайган шароитда уларни мутаносиблаштириш, уйғунлаштириш сиёсий маданиятнинг бош вазифасига айланади. Алоҳида шахс ва гуруҳнинг манфаатларини рад этмаган ҳолда, уйғунликка эришиш – гоёт мураккаб вазифа. Аммо бунини ҳал этишнинг оқилона усулини топмай туриб фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат куриб бўлмайд.

Ижтимоий фаоллик сиёсий-ҳуқуқий билимларни, маданиятни юксалтиришни талаб этади. Фақат сиёсий-ҳуқуқий билимга ва маданиятга эга шахсгина жамият ва давлат ишларини бошқаришда фаол қатнашади, ижтимоий фаолликни ўзининг фуқаролик бурчи деб билади. Шу боис барча қонунқоидалар ҳамда ҳуқуқий меъёрларга, энг муҳими, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига риоя қилишга одатланиши керак. Бу ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг асосидир. Ҳуқуқий давлат эса юртдошларимизнинг сиёсий онглилиги, уюшқоқлиги, ҳушёр ва зийраклиги, ҳаётимизда рўй бериб турган ҳар бир ҳодисага ақл-идрок, билим ва тафаккур ила ёндаша олиши билан кучлидир. Улуғ аллома Аристотель таъбири билан айтганда, яшаш, ҳаёт кечириш шунчаки машғулот эмас, у фаолиятдир. Одамлар янги шароитда яшаши, бошқача фаолият кўрсатишлари учун бошқача тафаккур юритмоқлари талаб қилинади.

Давлатнинг кучи халқнинг сиёсий маданияти ва онглилигидадир. Сиёсий-маънавий, гоёвий-мафкуравий, иқтисодий кўникмалардан йироқ, бу борада тушунчаси йўқ кишилардан нимани ҳам кутиш мумкин? Сиёсий-ҳуқуқий онг инсонда муайян ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий шарт-шароитлар негизда шаклланади. Жамиятда бундай муносабатлар мавжуд бўлмаса, мустаҳкамланиб борилмаса, фуқароларда юксак сиёсий маданият шаклланамайди.

Фуқаролар сиёсий маданиятининг шаклланиши жамиятнинг маънавий-маърифий ривожланишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Маънавий-маърифий жиҳатдан тараққий этмаган жамият ҳеч қачон инсонни сиёсат субъекти сифатида шакллантира олмайди. Бундай жамият ва унинг фуқаролари сиёсий манипуляция – фирибгарлик қурбони бўлиб қолишлари мумкин. Жамиятнинг маънавий-маърифий соҳаси, инсоннинг саводхонлик даражаси қанчалик юқори бўлса, шахс шунчалик сиёсий билимдон бўлади. Хусусан, сиёсий-ҳуқуқий билимга эга бўлган шахс ҳуқуқатнинг қарорларини, кўрсатмаларини яхши англайди, сиёсий мушоҳада қилади, ўзининг мустақил фикрига эга бўлади.

Маълумки, истиқлол шарофати туфайли мамлакатимизда ҳар бир фуқаро жамият сиёсий ва маънавий ҳаётининг бевосита фаол иштирокчисига айланади. Уларнинг сиёсий маданият даражасини юксалтириш учун зарур бўлган барча сиёсий,

ҳуқуқий, маънавий ва мафкуравий шарт-шароитлар яратилмоқда. Жамиятимиз аъзоларининг сиёсий маданиятини юксалтириш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бугунги кунда демократик тараққиётимизнинг бош мезонига айланди. Бу ўринда гап демократияни барча юртдошларимиз тафаккурида том маънода анланган заруриятга айланган вазифаси устида кетмоқда. Бунда сиёсий маданият ҳал қилувчи восита бўлиб хизмат қилади. Чунки бу авваламбор сиёсий-ҳуқуқий тафаккур ва сиёсий-ҳуқуқий фаолият маданиятидир. Сиёсий маданият мамлакат сиёсий институтлари ўртасидаги муносабатларнинг қанчалик маърифийлигини белгиловчи омилдир.

Жамият фуқаролари сиёсий маданиятининг шаклланиши кўп омилларга боғлиқдир. Ушбу маданият миллий ва умумбашарий қадриятлардан, бой маънавий маданият, ноёб миллий қадриятлар, бебаҳо сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва фалсафий таълимотлардан баҳра олиб шаклланади. Қайд қилиш жоизки, бунда миллий истиқлол гоёси ва мафкураси муҳим ўрин тутаяди. Яна шуни ҳам айтиш жоизки, жамиятимизнинг миллий сиёсий маданияти ўзининг мана шу жиҳатлари билан фуқароларимиз сиёсий онги, ҳуқуқий маданиятининг шаклланиши ва ривожланишида асосий маънавий озуқа бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги даврда маънавий тарбия ва сиёсий маданиятни шакллантириш ҳамда ривожлантиришда, ёшларни маърифатли ва юксак маданиятли қилиб тарбиялашда – мамлакат аҳли зиммасига масъулиятли ва шарафли вазифаларни қўяди. Булар:

► сиёсий-ҳуқуқий фаоллик давлат ва жамият тараққиёти истиқболига таъсир кўрсатиши;

► маънавий иммунитет ва сиёсий маданиятнинг замон талаблари асосида равнақ топа бориши;

► маънавий-маърифий ва таълим-тарбия ишларида баркамол авлод тарбиясини оқилона адо этиш, ушбу йўналишда доимий изланишда бўлиш вазифаларидир.

Умуман олганда, тарбия – ниҳоятда мураккаб жараён. Сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий тарбия эса аниқлик ва юксак саводхонликни талаб қилади. Бунда оила, маҳалла, таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, айниқса ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ниҳоятда фаол бўлишлари талаб этилишини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Карим НОРМАТОВ,
профессор.

Саломатлик сабоқлари

Инсон организми ташқи яшаш муҳити билан узлуксиз модда алмашиш жараёнида танада ҳосил бўладиган турли хил оралиқ маҳсулотлар, чиқиндилар, тузлар, бактериялар, токсинлар билан муттасил равишда ифлосланади. Бу жараён алоҳида тана аъзолари, жумладан, модда алмашинуви бузилиши туфайли келиб чиқадиган хасталикларда: қандли диабет, подагра, жигар ва буйрақларнинг сурункали ҳамда меъда-ичак касалликларида, овқатдан заҳарланишда, турли хил кимёвий заҳарлар таъсирида экология мувозанати бузилиши сабабли, полиз маҳсулотлари, мева-сабзавотларни етиштиришда ўғитларни меъеридан ортиқ ишлатиш ҳамда бошқа ҳолатларда, айниқса, жадал суръатлар билан кечиб, организмнинг яшаши учун катта хавф туғдиради.

Тана аъзоларининг ифлосланиши, айниқса, заҳарларни зарарсизлантириш ва чиқариб ташлаш билан боғлиқ аъзолар ҳисобланган жигар, буйрак, меъда-ичак фаолиятига кучли салбий таъсир кўрсатади. Дори-дармонлардан асоссиз, шифокор маслаҳатсиз фойдаланиш ҳам организмнинг зўриқиб ишлашига сабаб бўлиб, аллергия ҳолатларни келтириб чиқаради. Булар организмнинг ички ифлосланиши белгисидир.

Овқат моддаларининг **йўғон ичак**да нисбатан узоқ муддат – 12-18 соатгача туриб қолиши сабабли улар фаолиятини меъерий ҳолатда сақлаб туриш муҳим аҳамият касб этади. Узоқ вақт давом этадиган қабзият туфайли



эса организмни санокли соатларда ҳалокатга учратади. Жигарнинг муҳим вазифаларидан бири, ёғ моддаларини ҳазм қилишда қатнашадиган ўт суюқлигини ишлаб чиқарди. Ўт суюқлигининг маълум бир қисми

ли ифлосланиб кетишининг олдини олиш, йўғон ичак, жигар, буйрак каби муҳим тана аъзоларининг фаолиятини яхшилаш, уларни ортиқча зўриқиб ишлашдан ҳимоялаш мақсадида вақт-вақти билан соғломлаштириш муолажаларини бажариш тавсия этилади.

Организм асосан ички муҳит модда алмашинуви жараёнида доимий равишда оралиқ маҳсулотлар ва чиқиндилар ҳисобига ифлосланиб туради. Шу боисдан доимий равишда ички муҳитни тозалаб туриш орқали соғломлаштириш одамни ёшартиради ва умрини узайтиради. Кўп асрлик халқ табобати ва тиббий амалиёт инсон организмни тозалаш усуллари орасида очлик орқали соғломлаштириш, ошқозон-ичакларни, жигар, буйрақларни қон ва лимфа суюқлигини тозалаш мумкинлигини синовдан ўтказишган ва булар кутилган натижани берган.

Жигарни тозалашда янги узилган мева ва сабзавотлар, шунингдек, лавлаги, сабзи, гул-карам, тарвуз, қулупнай, олма

ОРГАНИЗМНИНГ ИЧКИ ИФЛОСЛАНИШИ УНИНГ ОЛДИНИ ОЛСА БЎЛАДИ

ҳосил бўладиган кучли заҳарлар: индол, скатол, крезол ва бошқаларнинг қонга сўрилиши организмнинг ўзидан ўзи заҳарланишига олиб келади. Бундай ҳолатларда тил кўкимтир тусга киради, оғиздан нафас чиқарганда қўланса ҳид келади, бош оғриши, айланиши, қоринда ел тўпланиши, иштаҳа йўқолиши, тез жаҳл чиқиши, ичининг 3-4 кеча-кундуз давомида қотиши ва бошқа белгилар пайдо бўлади.

Организмни бундай чиқиндилар билан заҳарланишга олиб келувчи омиллар қаторига кам ҳаракатланиш, нотўғри овқатланиш, кўпинча, ёғли ва углеводли, крахмалдан иборат таомларни истеъмол қилиш, турли хил эмоционал ҳолатлар таъсирида асаб тизимининг зўриқиб ишлаши кабиларни киритиш мумкин. Шунингдек, қабзият йўғон ичак деворларининг сиқилиши, ичакда қон айланиши бузилишига сабаб бўлади. Қоннинг яхши юришмаслиги эса бавосил касаллигини келтириб чиқаради.

Ўт йўлларининг ифлосланиши ҳам ичакларда овқат моддалари билан бирга жигарга тозаланиш учун йўналади. Бу ерда қон оқими орқали келган барча заҳарлар зарарсизлантирилади. **Жигар** бундай заҳарлар ва чиқиндиларни ўт суюқлиги орқали қайтадан ичакларга туширади, уларнинг бир қисми жигар тўқимасида сақланиб қолади. Жигар инсон танасининг жафокаш аъзоси бўлиб, касалликлар сабабли бир қисми фаолият кўрсатса ҳам ҳаёт давом этади. Унинг бутунлай тўхташи



сақланиб қолиши натижасида унинг таркибидаги холестерин, турли хил тузлар, нобуд бўлган ҳужайралар, микроорганизмлар, каллоид эритмалар ўзаро бирлашиб ўт тошлари ҳосил бўлишини тезлаштиради. Жигарнинг саломатлиги бутун организмнинг саломатлиги. Шу сабабли уни вақти-вақти билан тозалаб туриш тўқима ва ҳужайраларида тўпланиб қолган чиқинди ҳамда заҳарли антиген моддалардан халос қилади.

Буйрақлар организмнинг ички муҳити доимийлигини таъминлашда, сув алмашинувини тартибга солишда, шунингдек, моддалар алмашинуви жараёнида ҳосил бўладиган ва организм учун заҳарли таъсир кўрсатадиган моддаларни сийдик орқали чиқариб юборишда муҳим роль ўйнайди. Буйрақларда ҳосил бўладиган сийдикнинг коллоид хусусияти ўзгариши, таркибидаги тузларнинг мутаносиблиги ва мувозанатининг бузилиши тошларни келтириб чиқаради. Буйрак ва сийдик йўлларининг бактериялар билан ифлосланиши ҳамда яллиғланиши бу жараённи тезлаштиради. Организмнинг куч-

каби витаминга бой овқатлар айниқса, фойдалидир. Куртакланган буғдойдан тайёрланган аралашма: 100 грамм куртакланган буғдой, 100 грамм туршак, 100 грамм сабзи, 1 дона лимон суви, 100 грамм лавлагини қириб аралаштириш ва унга таъмини яхшилаш учун бир қошиқ асал қўшиб ҳар куни истеъмол қилиш жигар учун энг яхши соғломлаштириш воситаси ҳисобланади.

Ичакларни тозалашнинг энг оддий усули (клизма): 2 литр қайнатилган сувда бир ош қошиқ лимон суви эритилади. Муолажа кечкурун ухлаш олдида бажарилади. Ичаклар биринчи ҳафтада ҳар куни шу эритма билан ювилади, иккинчи ҳафтада кунора, учинчи ҳафтада ҳар икки кундан сўнг учинчи кун, тўртинчи ҳафтада ҳар уч кундан кейин, сўнггра эса ҳафтасига бир марта ювилади. Соғлом ичак – бу саломатлик, бахтли ҳаёт ва узоқ умр кўриш демакдир.

Инсон ҳаёти учун энг муҳим бўлган витаминлар фақат ичаклар орқали сўрилади, ичакларда синтез қилинади, шу сабабли соғлом ичаклар организмнинг ёшаришига олиб келади, юзини тиниқ ва тоза қилади. Ичакларда турли хил заҳарли чиқиндиларнинг узоқ вақт туриб қолиши организмни қаритади. Шу боисдан ҳар бир инсон ўз организмни тозалашни билиши, бу борадаги тартиб-қоидаларга қатъий риоя қилиши лозим. Муҳими, фуқароларимиз сўзда эмас, балки амалда ўз саломатликларини авайлаб-асрашни тушуниб етсалар ўзлари учун кони фойдадир.

Муҳаббат РАҲИМОВА,
ИИБ Марказий поликлиникаси
шифокор-пульмонологи.

Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё

ДИЛДАН КЕЧГАН ЎЙЛАР

Даврада ўтиришнинг ҳам ўзига яраша одоби бор. Кўпчилик бирор киши ҳақида яхши фикр билдирса, сен асло ёмон фикр билдирма. Чунки мақталаётган шахс мақтаётган шахсларга қадрли бўлиши мумкин. Ёки аксинча, бирор кишини ёмонлаб гапиришса, сен уларнинг фикрига қўшилиб кетма, балки шу даврада ёмонланаётган шахс ҳақида ижобий фикрда бўлган одам ҳам бўлиши мумкин. Умуман, бировларнинг қандай шахс эканлиги ҳақида фикр билдиришдан қўра, ўзининг ким эканлигини ҳақида кўпроқ ўйла.

* * *

Аксарият ҳолларда, катта лавозимларда ишлаган кишиларнинг амалидан тушганидан сўнг бирданига қон босими кўтарилиши ёки юрак хуружи ташхиси билан шифохонага тушиб қолганлигини эшитаман. Бунинг сабаби, амалда ўтирганларида улар «осмон»га чиқиб кетган бўлишади. Пастга тушгач, бу руҳиятларига қаттиқ таъсир қилиши табиий. Амалга меҳр қўйиш керак эмас, аксинча, ишни меҳр билан бажариш керак. Чунки мансаб ҳеч кимга бир умрга боғлаб берилмайди.

* * *

Шундай одамлар ҳам борки, ўзларига бошқалар кўпроқ меҳр-оқибат кўрсатишини хоҳлашади. Лекин ўзлари «Мен бировга қандай оқибат қилипман?» деб ўйлаб ҳам кўришмайди.

* * *

Бахтни ҳар ким ҳар хил тушунади, кимдир бойлик деса, кимдир соғлиқ дейди. Аслида бахт кимларгадир кераклигини ҳис қилиб, сени самимий ҳурмат қиладиган одамлар орасида хотиржам яшаш бўлса керак.

* * *

Талабалик йилларимда ўзимча «кўп китоб ўқиганман» деб ғурурланиб қўяр эдим. Лекин ҳаётим давомида шунчалик кўп ўқиб, кўп уққан инсонларга дуч келяпманки, уларнинг олдида мен Алифбони энди ўрганаётгандекман. Шунда ёшлик давримда деярли ҳеч нарса ўқимаганимни ҳис қилиб, афсусланиб ҳам қўяман.

* * *

Иш жойингда «Бошқалардан кўра мен кўп ишляпман» деб ўйлама. Зеро, меҳнат қилган одам ҳеч қачон кам бўлмаган. Агарда сенга раҳбарлар кўп топшириқ бераётган бўлса, бу ҳам сенинг ютуғингдир. Демак, сенга ишонишади. «Бекор ўтиргандан кўра бекор ишла» деган донолар. Кўп меҳнат қилсанг ҳам жамоада ўз ўрнининг борлигига шукр қил.

* * *

Инсонлар тафаккури ва юксак ҳис-туйғулари билан бошқа мавжудотлардан фарқ этса-да, баъзида ҳайвон ҳам қилмайдиган разил ишларга қўл уради.

* * *

Ўта камтарлик қилсанг ҳам, бошқаларга ёқимсиз кўринади. Балки, шунинг учун «Ўта камтарлик ҳам манманлик» дейишар.

* * *

Бошқалар қилган хатолар учун жавоб бериш кишига алам қилади, лекин бу ҳам савоб эканлигини ўйласанг, кўнглинг таскин топади.

Яҳё АБДУЛҲАҚОВ,
подполковник.

Турмуш чорраҳаларида

Равшанинг сўнги пайтларда ҳеч омади келмади-келмади-да. Рафиқаси билан рўзгордаги моддий етишмовчилик туфайли тез-тез жанжаллашиб қолаверди. Бу ёқда ота-онаси ҳам унинг тайинли жойда ёлчишиб ишламаётганидан норози бўлишарди. Бу ҳам етмагандек, устига-устак ёш болалари ҳам тез-тез касалга чалинаверишди. Уларга дори-дармон олиш учун ҳам пул керак. Хуллас, буларнинг барчаси бир бўлиб ёш йигитни руҳан эзиб юборди. У азбаройи асабийлашганидан, сиқилганидан аста-секин ичкиликка ружу қўя бошлади.

Сабр косаси тўлган хотини бир куни навбатдаги жанжалдан кейин болаларини олиб, ота-онасининг уйига кетиб қолди. Эртаси куниёқ фарзандларини соғинган Равшан қайнатасиникига йўл олди. Қайнатаси кутилмаган меҳмонни кўриб, роса койиб кетди:

– Болаларингизни боқа олмас экансиз, нега уларни туғдирдингиз? Қизим сиздан тиллаю жавоҳирлар талаб қилмаяпти-ку! Тўй қилиш учун хорижда ишлаб пул олиб келганман дедингиз. Фақат тўйга таклифномалар тарқатиб бўлганимиздан сўнгина пулларни дўстингизга бериб юборганингизни тан олдингиз. Бу, ахир, эркакча ишми?! У эса сизни чув тушириб, ўзи жуфтаси ростлаган.

Мен тўйни ўзимнинг пулимга ўтказдим. Чунки шундай қилмасам шарманда бўлардик. Қизим ҳаммасини кечирди. Икки нафар фарзандли бўлдингизлар. Охир-оқибатда нима бўлди? Сиз ҳатто ишлашни ҳам хоҳламайсиз. Қора қозонни қайнатишни ўйламайсиз. Турмушга чиқмоқчи бўлган қизлардек ясан-тусан қилиб юрасиз. Етар, бас, қизим сиз билан ажрашади. Менга сиздақа такасалтанг куёв керак эмас. Ўзимнинг беш фарзандимни вояга етказдим, икки набирамни ҳам бир амаллаб катта қилиб оламан. Кетинг, қорангизни кўрмай...

Бутунлай умидсизликка тушган Равшан боши оққан томонга кетаверди. Бир пайт қараса, дарё бўйига келиб қолибди. Узок вақт сувга тикилиб ўтирди, миясида эса фақатгина биргина фикр – ўзини дарёга ташлаб, бу дунё ташвишларидан қутулиш фикри чарх урарди. Тўсатдан болаларнинг шўхшодон қийқириги хаёлини бўлиб юборди. Ўғрилиб қараса, кекса киши набираларини ўйнатиб юрар эди. Шулар тенги фарзандларини эслаб, беихтиёр Равшанинг кўзларидан ёш чиқиб кетди. Мўйсафид Равшанинг ёнига келиб сўради:

– Ўғлим, бирор бахтсизлик юз бердимиз? Бошинга қандай ташвиш тушди?

Равшан юзини қўллари билан беркитиб, ўкириб йиғлаб юборди. Қария унинг бошини силаб, салмоқ билан шундай деди:

– Ўзингни бос, ўғлим, бу ҳаётнинг синовлари кўп. Ҳар қандай вазиятда ҳам одам қатъиятли, оғир-босиқ бўлиши керак. Қани, гапир: нима бўлди? Юрагингни очсанг, енгил тортасан. Одам тафти-

ни одам олади, болам. Рушана, Алижон, узоққа кетиб қолманглар, мен бу ерда амакин-гиз билан ўтириб тураман, –



деб у невараларига тайинлади, сўнг яна Равшанга юзланди: – Қани, ўғлим, гапирчи...

Равшан бошидан ўтганларини бир бошдан сўзлай бошлади. Ниҳол деган қизни севганини, қиз уни ўзга юртдан келишини кутганлигини, дўсти омонатига хиёнат қилганлигини, яъни ишлаб топган пулларини сўраб турганини, тўйгача қайтариги ваъда берганини, лекин тўй арафасида ғойиб бўлганини айтиб берди.

Рафиқасининг қариндошлари унга ишонимсизмади. Ҳар сафар бу ҳақда эслатиб туришади. У яна хорижда ишлаб келиб, қайнатасига қарзини қайтариб беради. Уйга қайтиб келгач, ишга киради. Ҳаммаси ўз изига тушиб кетгандай эди. Лекин корхонада иш ўринларининг қисқартирилиши туфайли, уни ишдан бўшатиб юборишади. Шундан сўнг оилавий муаммолар бошланади.

– Мен жуда омадсизман. Ҳеч нарсада омадим келмаган. Олий маълумотим йўқ, чунки оилада фарзандларнинг каттаси бўлганлигим сабабли отам эрта вафот этгач, укаларим ва сингилларимни вояга етказиш, моддий таъминлаш менинг гаданимга тушган. Иш фаолиятимни эрта бошлаганман. Ўша пайдан яхши пул топишга ҳарчанд ҳаракат қил-

май, ҳеч омадим чопмаган.

Ишдан бўшаганимдан кейин икки йил давомида майда-чуйда даромадларим ҳисобига кун кечирдик. Ниҳолнинг ўзи ишга кирмоқчи бўлганида, рухсат бермадим. Охир-оқибат етишмовчиликларга чидай олмай ота-онасининг уйига кетиб қолди. Қайнатанинг сўзларига қараганда, бизни ярим йил олдин ажратишмоқчи бўлишган экан. Хотиним бир ой олдин ажрашиш ҳақида ариза берди. Шундан сўнг мен учун яшайдан маъно қолмади, – дея сўзини тугатди Равшан.

– Ҳа, ҳақиқатан ҳам дар-

Кўриниб турибди, яхши инсонсан, – деб қолди бир куни устанинг ўзи.

– Шундай қилсангиз, сиздан умрбод миннатдор бўлман, – деди Равшан тўлқинланиб.

Шундай қилиб Равшан устадан ёғоч ўймакорлиги касбини ўрганди. Ярим йилдан сўнг эса у ишнинг қийин жиҳатларини ҳам мустақил равишда бажара оладиган бўлди. Устага кетма-кет буюртмалар кела бошлади. Шу тариқа Равшан ҳам яхшигина пул йиғишга муваффақ бўлди. Рафиқаси уйига қайтиб келди

– Юр, биргаликда овқатланамиз, меҳмон қиламан! – мулозамат қилди таниши.

– Йўғ-е, ўзим сени меҳмон қиламан, – дея эътироз билдирди Равшан.

– Хўп, яхши, кетдик, – деди маҳалладоши.

Ушбу оқшом улар кафеларнинг бирида маза қилиб овқатланишди. Бир оз спиртли ичимлик ҳам ичишди. Мансурга бу камдек туюлди. У яна бир шиша ароқ буюрттирди.

– Оғайни, менга етарли, эртага эрталаб ишга кетишим керак. Буюртмамиз роса кўп, – деб эътироз билдирди Равшан.

– Эркакмисан? Ярим шишагина ароқдан маст бўлиб қолдингми? – дея масҳара қила бошлади Мансур.

– Эрталаб соат бешда туришим керак.

– Дўстим, сени қара-ю! Сен бу ёқларда болам-чақам деб тиним билмай ишлайсан. Ёш рафиқанг уйингда нималар билан шуғулланаётганини қаердан биласан?

– Оғзим бор деб бўлмағур гапларни валдирайверма, – деб Равшан маҳалладошини жеркиб берди. – Ўзи сенга бир шиша ароқ етиб ортаркан. Маст бўлиб қолибсан. Нималар деяётганингни ўзинг билмаяпсан.

– Э-э оғайни, мен бошимдан ўтганини сўзлаяпман. Бир пайтлар мен бу ерда меҳнат қилаётганимда, турмуш ўртоғим вақтини беҳудага ўтказмаган, бошқалар билан дон олишиб юрган экан. Нима, сенинг хотининг фарштами?

– Бўлди, етар, сафсатагни бошқа эшитишга тоқатим йўқ, – деб Равшан қаҳвахонадан шахд билан чиқиб кетди.

Мансур ҳам у билан измаиз чиқиб, гап таллашиб, ёқаллашиб кетди. Кайф устида қўйнидан пичоқ чиқариб, Равшанга ташланди. Унинг жароҳатланиб, йиқилиб тушганини кўриб қўрқиб кетиб, тез ёрдам чақирди. Равшанни зудлик билан шифохонага олиб боришди. У кўп қон йўқотганига қарамай, шифокорларнинг саъй-ҳаракати туфайли ҳаёти сақлаб қолинди.

Устози юз берган воқеадан воқиф бўлгач, Равшанинг рафиқасига бу ҳақда хабар берди. Ниҳол шу куниёқ эрининг олдига етиб келди ҳамда унга ғамхўрлик қила бошлади. Мансур ҳам ҳар куни маҳалладошининг ҳолидан хабар олиб турди, унга керакли дори-дармонларни топиб келтирди. У қилмишидан қаттиқ афсус-надомат кечарди.

Шифохонага ички ишлар идораси ходимлари ташриф буюришганида, Равшан Мансурга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини ёзиб берди. Бугунги кунда Равшан Термизга қайтиб келган ҳамда устозидан ўрганган касбини давом эттираяпти. Оилада учинчи фарзанд дунёга келди. Эр-хотин бахтли яшамоқда.

Дилбар САЛОҲИДИНОВА.

ҳамда фарзандлари билан биргаликда оила бошлигининг қайтишини кута бошлашди. Ниҳоят интиқлик билан кутилган кун келиб, улар хонадонда Равшанинг хурсанд, ўктам овозини эшитишди.

... Ўша куни Равшан ғалати туш кўрди. Тушида у ботқоққа ботиб кетаётган экан. Бошқаларни ёрдамга чақириб бақира бошлади, лекин унинг ёнида турган нотаниш эркак ғалати овозда кула бошлади. Равшан ўзининг қаттиқ бақиритишдан ўйғониб кетди. «Буни қара-я, шунақаям бемаъни туш бўладими?» деб ўйлади у. Эрталаб эса ҳар доимгидек ишга жўнади. Уйга қайтаётиб, кўчада маҳалладоши Мансурни учрати-б қолди.

– Қадрдоним! Қандайсан? Сени бу ерларга қандай шамол учирди? – деб сўради маҳалладоши.

– Шу десанг, пул ишлаб топгани келган эдим. Устачиликни ўргандим. Ҳозир топиш-тутишим ёмон эмас. Тез орада уйга қайтиб, ўғилчамни суннат тўйи қилмоқчиман. Тез орада у беш ёшга тўлади, – деди хурсандчилигини яширмай Равшан.

– Ҳа, баракалла, дўстим. Овқатландингми? – қизиқсиниб гапини давом эттирди Мансур.

– Йўқ ҳали.

Ибрат

ФИДОЙИ ХОДИМНИНГ
ЮТУҚЛАРИ

Кизилтепа тумани ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлими шахсий таркиби томонидан 60 га яқин халқ хўжалиги иншооти ҳамда 30 дан ортиқ фуқаролар хонадони ишончли кўриқланмоқда. Уларнинг хушёрлиги сабаб кўплаб жиноятларнинг олди олинапти. Ходимлар хизматда юқори натижаларга эришиш билан бир қаторда турли спорт мусобақаларида ҳам фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашмоқда. Бу жиҳатдан бўлим милиционери, сафдор Сарваржон Рахимовнинг эришган ютуқлари алоҳида эътирофга лойиқ.

У болалигидан интилувчан, тиришқоқ бўлиб улғайиб, спортнинг бир қанча турлари билан шуғулланди. Айниқса, шахматга бўлган қизиқиши туфайли мактаб даврида ҳам кўплаб мусобақаларда қатнашиб, туман ва вилоят босқичларида фахрли ўринларни қўлга киритди.

Бугунги кунда бўлимнинг фидойи, жонкуяр ходими бўлибгина қолмай, вилоят ИИБ хузуридаги кўриқлаш бошқармаси ходимлари ўртасида ўтказилаётган шахмат мусобақаларида ҳам биринчиликни қўлдан бермай келаяпти.

– Киши ўз касбига меҳр қўйса, қийинчиликларни осон енгиб ўтади, меҳнатидан завқ олади, – дейди туман ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлими бошлиғи, капитан Улуғбек ўринов. – Сарваржон Рахимов ҳам ана шундай ходимлардан. Ички ишлар идораларида хизмат қилиш хушёрлик ва хушмуомалаликни тақозо этади. Чунки жамоат тартибини сақлаш, профилактик тадбирлар ўтказишда кўплаб фуқаролар билан суҳбатда бўлаёмиз. Сарваржонда шу хислатларнинг барчаси мужассам бўлгани учун хизматда ҳам доимо юқори натижаларга эришяпти.

Лавҳамиз қахрамони фарзандларини ҳам ўзи сингари юрт қорига ярайдиган инсонлар қилиб тарбияламоқда. Қизи Хулқарой ва ўғли Шоҳжаҳон отаси изидан бориб, шахмат ўйинининг ҳадисини олишган: яқинда улар 11 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасидаги мусобақанинг туман босқичида фахрли ўринларни эгаллашди.

Айтиш жоизки, бўлимда Сарваржон сингари спортчи ходимлар талайгина. Масалан, милиционер, сафдор Лазизбек Сафаров ҳам жорий йилда миллий кураш бўйича ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида бўлиб ўтган мусобақанинг вилоят босқичида голибликни қўлга киритди. Шунингдек, Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан вилоят ички ишлар идоралари хузуридаги кўриқлаш бўлими ва бўлималари жамоалари ўртасида мини-футбол бўйича ўтказилган мусобақада умумжамоа ҳисобида мазкур бўлим жамоаси фахрли иккинчи ўрин соҳиби бўлди.

Мирзокул АХАДОВ.
Навоий вилояти.

Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт

ЁШЛАР МАРАФОНИ

Урганч шаҳрида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни турли иллатлардан ҳимоя қилиш мақсадида «Биз – ёшлар гиёҳвандликка қаршимиз!» шиори остида марафон ўтказилди.

Шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, ички ишлар бўлими ҳамда бош-

қа тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган марафон мамлакатимиз Мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланди.

Марафонда шаҳар худудидаги олий таълим муассасалари талабалари, касб-хунар коллежалари ҳамда умумтаълим мактаблари ўқувчилари қатнашди. Мусобақани вилоят енгил атлетика федерацияси томонидан тайинланган ҳакамлар бошқа-

риб борди. Уч минг метр масофага югуриш бўйича ўтказилган марафонда ҳар бир спортчи ўзининг жисмоний қобилиятини, маҳоратини намойиш этишга ҳаракат қилди.

Марафонда фаол иштирок этиб, совриндорлар сафидан жой олган ёшлар ҳомий ташкилотларнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Х. ЖАББОРОВ.
Хоразм вилояти.

▼ Таэквондо

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ШОҲСУПАДА

Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида таэквондонинг WTF йўналиши бўйича ўтказилаётган йирик халқаро мусобақа – Корея очик чемпионатида спортчиларимиз муваффақиятли иштирок этмоқда.

2016 йилги Олимпиада ўйинлари йўлланмаси учун рейтинг очколари ўйналган мусобақанинг дастлабки кунда вазни 87 килограммгача бўлган таэквондочиларнинг дунё рейтингига пешқадамлик қилаётган Жасур Бойқўзиев барча рақибларидан устун келиб, олтин медални қўлга киритди. Эътиборли жиҳати, у бел-



лашувлар давомида кетма-кет тўрт нафар мезбон спортчини мағлуб этди. Финалда эронлик Оmid Амидидан 9:5 ҳисобида устун келди.

Шундай қилиб, Ж. Бойқўзиев олимпиаданинг 20 рейтинг очкосига эга бўлди ва умумий очколарини 340 тага етказди.

Амалдаги жаҳон чемпиони Дмитрий Шокин ҳам ўз вази тоифасида дунёда тенгсиз эканлигини яна бир бор исботлади ва чемпионат голибига айланди.

Турнирда Ўзбекистон терма жамоаси тўлиқ таркибда иштирок этмоқда.

▼ Бокс

ТОЖИБОВ – ОЛИМПИАДА
ЙЎЛЛАНМАСИ СОҲИБИ

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида бокс бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда иштирок этган боксчимиз Хуршид Тожибов вазни 60 килограммгача бўлган ярим профессионал (АРВ) чарм кўлқоп усталари ўртасидаги турнирнинг биринчи боксчи иккинчи учрашувини ҳам галаба билан якунлади. Бу унга келгуси йили Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларида қатнашиш имкониятини яратди.

Мусобақа республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Бокс федерацияси, Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси – АИВА ҳамкорлигида ташкил этилди. Нуфузли турнирда ҳамюртларимиздан ташқари Россия, Германия, Бразилия, Италия, Ирландия, Филиппин ва Бенин Республикасидан келган боксчилар голиблик учун баҳслашди.

Шу йилнинг 30 май куни бўлиб ўтган дастлабки учрашувда Х. Тожибов ирландиялик Дэвид Жойсни мағлуб этган эди. Бу гал эса россиялик Дмитрий Полянскийга қарши рингга чиқди. Баҳс саккиз раунд давом этди ва бу сафар ҳам боксчимиз рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади.

▼ Теннис

ДЭВИС КУБОГИНИНГ
НАВБАТДАГИ БОСҚИЧИ

Хабарингиз бор, теннис бўйича миллий терма жамоалар ўртасида мунтазам равишда норасмий жаҳон чемпионати ҳисобланган Дэвис кубоги ўтказиб келинади.

Жорий йилнинг 17-19 июль кунлари пойтахтимизда ўтказилган мусобақада теннисчиларимиз Жанубий Корея терма жамоасини 3:2 ҳисобида мағлуб этиб, плей-офф босқичи йўлланмасини қўлга киритган эди. Яқинда Дэвис кубогининг плей-офф босқичига қўрға ташланди. Унга қўра, мамлакатимиз терма жамоаси жаҳон лигасига йўланма берувчи ушбу босқичда АҚШ терма жамоаси билан баҳс юритадиган бўлди. Баҳслар 18-20 сентябрь кунлари юртимизда ўтказилади. Яқин кунларда ушбу мусобақа республикамизнинг айнан қайси шаҳрида ўтказилиши расман эълон қилинади.

▼ Сув спорти



ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ

Россиянинг Қозон шаҳрида сув спорти турлари бўйича XVI жаҳон чемпионати баҳслари бошланди. Дунёнинг 190 давлатидан келган 2651 нафар спортчи иштирокида ўтказилаётган ушбу жаҳон чемпионатида бўлгуси Олимпиада ўйинлари йўлланмалари ҳам ўйналади.

Жаҳон чемпионатида 13 нафар спортчимиз сувга сакраш, синхрон сузиш ва сузиш бўйича ўтказиладиган мусобақаларда ўз имкониятларини синовдан ўтказди. Жумладан, Ботир Ҳасанов, Достон Ботиров, Мирзохид Миркаримов сувга сакраш бўйича, Юлия Ким, Анастасия Рўзметова, Гулсанам Йўлдошева синхрон сузиш, Владислав Мустафин, Даниил Тулупов, Даниил Букин, Алексей Дерлюгов, Юлдуз Кўчқорова, Раъно Аманова, Хуршид Турсунов сузиш бўйича баҳсларда юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

Мусобақа 9 августга қадар давом этади.

▼ Футбол

БАНГЛАДЕШ –
ГУРУҲ ЎЙИНЛАРИ МЕЗБОНИ

Келаси йили Баҳрайнда 19 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида Осиё чемпионати ташкил этилади. Жасур Абдураимов мурабийлигидаги мамлакатимиз терма жамоаси ушбу мусобақа йўлланмасини қўлга киритиш учун саралаш босқичида қатнашади.

Саралаш босқичи учун ташланган қўрға натижаларига қўра Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси «А» гуруҳидан жой олди. Ёш футболчиларимизга гуруҳ босқичида Бангладеш, Покистон, Шри-Ланка ва Бутан терма жамоалари рақиблик қилади.

Шри-Ланка мусобақанинг гуруҳ босқичига мезбонлик қилишдан бош тортгач, ОФК яқинда ўйинлар Бангладешда ўтказилиши ҳақида қарор қабул қилди. Демак, гуруҳ ўйинлари 28 сентябрда бошланиб, 6 октябрда ниҳоясига етади. Футболчиларимиз дастлабки учрашувни 30 сентябрь куни Шри-Ланка терма жамоасига қарши ўтказди.

Камол ОЛЛОЁРОВ тайёрлади.

▼ Биласизми?

Пиширилган баликқа лимон кўшиб дастурхонга тортиш Европада ўрта асрлардан расм бўла бошлаган. Таомни чиройли кўрсатиш ёки лимоннинг ўзига хос мазага эга эканлиги учун шундай қилишмаган. Гап шундаки, европаликлар мабодо киши бехосдан қилтанок бўлагини ютиб юборса, устидан лимон шарбати ичилса, суяк парчаси эриб кетади деб ўйлашган.

Ротшильдлар янгиликлардан биринчи бўлиб хабар топиши тугайли бойиб кетишган. Улар хат ташувчи каптарларни кўпайтириш орқали мўмайгина фойда кўришган.

Арабистон ярим оролида гаройиб ўсимлик ўсади. Уни «кулгу гули» деб аташади. Чунки гулнинг уруғини хидлаган одамни ярим соатча кулгудан тўхтатиб бўлмайди. Кейин эса у ухлаб қолади.

Бу — қизиқ!

СМАРТФОН ЁРДАМИДА

Америкалик руҳшунослар илгарилари одамларнинг маънавий принципларини ўрганиш учун улар ўртасида сўровлар ёки лаборатория тажрибалари ўтказишарди. Бу гал эса смартфонлардан фойдаланишди.

1200 нафар америкалик ва канадалик фуқародан сўраганинг турли вақтларида беш марта яқин бирор соатнинг ичида ўзлари қандай мақбул ёки номақбул хатти-ҳаракат қилганликлари ёхуд шундай хатти-ҳаракатнинг гувоҳи бўлганликлари ё бу ҳақда эшитганликлари сўралди. Тасдиқ жавоби олинганида воқеанинг қисқача тафсилотини баён қилиб бериш илтимос қилинди. Олимлар 13240 та тасдиқ жавоби олишди. Уларда мақбул ва но-

мақбул хатти-ҳаракатлар нисбати тахминан тенг эди. Фақат қизиғи шундаки, одамлар кўпроқ ўзларининг мақбул ишлари ўзгаларнинг номақбул қилмишлари ҳақида ёзишган эди. Бу салбий воқеалар ҳақидаги миш-мишлар тезроқ тарқалишини яна бир бор тасдиқлади.

Бундан ташқари, тадқиқотчилар яна иккита муҳим фарзнинг тўғри эканлигини тасдиқловчи далилларга эга бўлишди. Биринчидан, одамга адолатли муносабатда бўлинса, у ҳам кун бўйи бошқаларга яхшилик қилишга интилар экан. Иккинчидан, баъзилар эрталаб яхши иш қилса, кечга томон бирор ножўя иш қилишга журъат этар экан.

БОЛАЛАРНИНГ КУЛГУСИ ЯНГРАСИН

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, болалар кунига ўртача 300 марта, катталар эса 20 марта кулар экан. Бола қанча кўп кулса, миясининг ижодий тафаккур билан боғлиқ қисми шунчалик ривожланади. Бундан ташқари, ҳазил-мутойибага мойил одамлар меҳнат жамоаларида ҳам қадрланади. Қайси хонадонда ота-оналар ва фарзандлар кулгуси тез-тез янграса, ўша оилани ҳеч иккиланмай бахтли дейиш мумкин.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

СКАНВОРД

						Бразилиялик футбол мураббийи			
	Компьютер тури	Асбоб...	Узум нави						Воқиф қилиш
						Ўқинч			
	Донорлик	Миллат (Европа)	Кўтарма кран маркаси		Баъзан		... ишора		Кимёвий модда
					Европадаги кичик давлат				
	Муҳаммад ... (адиб)		Автомобиль қисми						
	Француз адаби	Аския жанри	Ҳашарот		Жанубий Америка тоғлиги		Хорватия пойтахти		
							Немис дарвозабони		Волида
				Радиоактив элемент			Кўрсатиш олмоши		Тарвуз ватани
			Тарихий жанг номи				Ҳайвот дунёси		
	Сайқал	Кўрсатиш олмоши	Жасур, кўрқмас		Томон				
	Навоний романи қаҳрамони				Тансиқ таом	Ҳийла		Рус денгиз сайёҳи	
			Оби ҳаёт	Дедалнинг ўғли				Мебель	Палов

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҲООББ раҳбарияти ва шахсий таркиби бош бошқарма бўлим бошлиғи, полковник Сулаймон Валиевга волидаи муҳтарамаси

КИМЁ онанинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Транспортдаги ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ШТБИХ касбий тайёргарлик бўлинмаси катта инспектори, майор Муҳаббат Аҳмедовага волидаи муҳтарамаси

АБДУЖАЛОЛ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги подполковник

Абдуҷалол ДЎСМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги подполковник Низом Ражабовга волидаи муҳтарамаси

МАЙРАМ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ
Келгуси ҳафта учун

ҚЎЙ
Бир жойда тўхтаб қолиш сизга хос эмас. Агар бирор ишни режалаштирган бўлсангиз, уни амалга ошириш ниятидан воз кечманг. Яқин орада турли синовлардан ўтишингизга, бошқа одамларнинг қаршилигини енгитишингизга ҳамда ўз нуқтаи назарингизни ҳимоя қилишингизга тўғри келади. Эҳтиросларга берилиб кетманг. Масалаларни ҳал этишда манتيкий мушоҳадага суянинг.

СИГИР
Фаол ҳаракат қилишингиз лозим бўлади. Бу юз берадиган ўзгаришлар билан боғлиқ. Ушбу ҳафтада турли муаммоларни ҳал қилиш жараёнига эътиборсиз бўлсангиз, муваффақиятсизликка учрашингиз эҳтимоли бор. Тайинли ишлар билан шуғулланмасангиз, моддий жиҳатдан қийинчиликларга учрайсиз. Хоҳлайсизми-йўқми, охир-оқибат бошингиз билан ишга шўнғишга мажбурсиз.

ЭГИЗАКЛАР
Ҳаётингизда қийинчиликлар бошланаётгандек бўлиб кўринади. Аслида эса бу ўзгаришлар даври бўлиб, шундан кейин ўсиш, кўтарилиш юз беради. Ижобий ўзгаришлардан олдин салбий ҳолатлар ҳам рўй бериши мумкин. Ҳозирча ўта фаоллик кўрсатманг. Зарур бўлмаган ҳолларда муҳим қарорлар қабул қилманг. Бу кўпгина қийин вазиятларга йўлиқмаслигингизга ёрдам беради.

ҚИСКИЧБАҚА
Олдингизда янги имкониятлар эшиги очилади. Аниқ ҳаракат қилинг. Фақат мақсадингизга эришиш йўлини танлашда бир оз қийналасиз. Ҳаёл суриш, орзу қилиш ёмон эмас. Бироқ ҳар нарсада ҳам меъёр бўлиши лозим. Молиявий аҳволингизни яхшилаб олиш учун қулай фурсат келади. Ундан фойдаланиш чоғида бир ўзингиз ҳаракат қилманг, бошқаларнинг кўмағига суянинг.

АРСЛОН
Ҳиссиётларга берилиш ҳамда ижодий фаолият учун ушбу ҳафта умуман тўғри келмайди. Яхшиси, мушоҳада юритишга, ўзингизни англаб етишга ҳаракат қилинг ёки дам олинг. Ҳафтанинг биринчи қисмида руҳан покланасиз. Шундан сўнг мақсадларингизни амалга ошириш учун қулай пайт келади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида мулоқот қилиш, бошқаларга бошчилик қилиш истаги тугилади.

ПАРИЗОД
Ўтган ҳафтада фаол ҳаракат қилганлигингиз сабабли анча чарчагансиз. Шунинг учун бир оз ҳордиқ чиқаришингиз ва куч-қувватингизни қайта тиклаб олишингиз керак. Ушбу ҳафтада кўпроқ ақлий ёки ижодий фаолият билан машғул бўлинг. Масалан, янги соҳаларни ўрганинг, фалсафий китоблар мутолаа қилинг. Бу касб маҳоратингиз ва маънавиятнинг юксалишига ёрдам беради.

ТАРОЗИ
Молиявий аҳволингиз барқарорлашади. Ҳали оила қурмаган бўлсангиз, ҳафтанинг ўрталарида бахт юлдузингизни учратиш қолишингиз мумкин. Фақат ўткнчи туйғуларга берилманг, севги-муҳаббат масаласига жиддий қаранг. Муносабатларингиз ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилсангиз, мустаҳкам оила қуришга шошилинг. Сўнг иккинчи ҳаёт қийинчиликларини енгиб ўтишингиз осон кечади.

ЧАЁН
Ушбу ҳафтада кўтаринки кайфиятда юрасиз. Дастлабки кунлар турли саргузаштларни бошдан кечиришингиз мумкин. Фақат салбий ҳиссиётларга эрк берманг. Ҳалиям ёлғиз бўлсангиз, оила қуриш фурсати етди. Ҳафтанинг иккинчи ярми ўзингизга мос умр йўлдоши топиш учун қулай. Омадингиз чопса, бахтли оилалардан бирининг соҳибига айланади турибсиз-да.

ЁЙ
Янги фаолият йўналишларини бошлайсиз. Аввалига ноаниқликлардан чўчийсиз. Лекин бу нарса сизни тўхта олмайди. Ҳамкорларингиз билан бирга қилиниш керак бўлган ишларни, уларни амалга ошириш йўлларини белгилаб олинг. Сўнг бутун ҳафта давомида ушбу йўналишда ҳаракат қилинг. Ҳаётингизда туб ўзгаришлар юз беради, эскиликлар янгиликларга ўрин бўшатиб беради.

ТОҒ ЭЧКИСИ
Фаол ҳаракатлардан сўнг нафас ростлаб олишингиз учун имкон пайдо бўлади. Фурсатдан унумли фойдаланиб, куч-қувватингизни қайта тикланг, молиявий аҳволингизни ҳам барқарорлаштиринг. Ҳозирча янги иш бошламай турганингиз маъқул. Тез орада юз берадиган воқеа-ҳодисалар сизни яна ҳаракат қилишга ундайди. Ҳафтанинг охирида ҳам бир қатор муаммоларни ҳал этишингизга тўғри келади.

КОВҒА
Ҳаётингиз барқарорлашади. Лекин ҳамма воқеалар ҳам сизни бирдай қувонтиради деб бўлмайди. Ҳис-туйғуларингиз ҳам тин олгандай. Бу табиий ҳол. Ушбу ҳафтада иштанишларни унутиб, ором оласиз. Бошқалар билан сямимий мулоқотда бўлиб, бундан завқланасиз. Тўғри, бу ҳолат узоқ давом этмайди. Ҳафтанинг охирида яна турмуш ташвишлари бошланади.

БАЛИК
Ишингиз бир маромда кетаётган бўлса-да, лекин бу ҳолат сизни тинчлантира олмайди. Вазиятни ўзгартиришга ҳаракат қиласиз, ишхонангизда бундан ҳам юқори-роқ даражага эришишга интиласиз. Аммо бу уринишларингиз ҳозирча кутган натижангизни бермайди. Қайтанга, беҳудага чарчайсиз. Хуллас, ҳаётингизда жиддий янгиликлар юз бериши кутилмаяпти.